



Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta



@Jadidrasmiy



@Jadidmediauz



@Jadidrasmiy



@Jadid_uz



БУРЧ, ЖАСОРАТ, МАТОНАТ!

УРУШНИНГ ЯХШИСИ БЎЛМАЙДИ

Иккинчи Жаҳон уруши қатнашчиси, I даражали меҳнат фахрийси Акмал АҚРОМОВ билан суҳбат



– Ассалому алайкум, Акмал ота! Биласиз, ҳар йили Хотира ва қадрлаш кунини умумхалқ байрами сифатида нишонлаб келамиз. Ўзбекистон Президентини, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини Шавкат Мирзиёев бу йил ҳам Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлганлар хотирасини ёд эттиш, уруш ва меҳнат фахрийларига ғамхўрлик кўрсатиш бўйича йўналиш ўтказиб, муҳим ҳужжатларни имзолади. Сиз билан мана шундай шуқуҳли кунларда кўришганимиздан мамнунмиз.

“Армия – ҳаёт мактаби” деган гап бор, уруш эса тарих сабоғи. Ана шу сабоқнинг муҳим нуқталари ҳақида сўрасак, фронт хотираларини эслатсак, Сизни безовта қилиб қўймаймизми? – Йўқлаганингиз учун раҳмат,

хуш келибсиз! Мен фақат хурсанд бўламан меҳмон келса. Мудофаа вазирлигидан келади, агентликлардан келади, ёшлар келади... Бу йил декабрда 102 ёшга чиқаман. Фронтчилар кам қолди. Авваллари ҳар бир маҳаллада бўларди уруш қатнашчилари, одамлар суҳбатини оларди. Энди излаб, суриштириб топадиган вақт келди.

Фарзандларим, невараларим мени аяйди, юрагидаги эски яралар тирналмасин, деса керак. Мен урушда яраланганман, снаряд парчаси теккан. Унинг жойи битиб кетганига кўп йиллар бўлди. Хотираларнинг иши бошқачароқ экан: у юракдаги бир яра – қонамайди, кучли оғриқ бермайди, ўлдирмайди.

(Давоми 2-саҳифада.)



ЭЗГУЛИК МУДОФААСИ

Инсоният тарихида илк кашфиёт қандай қурол бўлган? Ов қуролими ёки жанг қуролими? Қайдам... Ҳар ҳолда ўқув қуроли бўлмаса керак...

Зилзила, тўфон, эпидемиялар камдек, одамзод ибтидодан буён бир-бирига қасди жон қилгани қизиқ. Худонинг бирор кунни бормикин шўрлик она сайёра осойишта тин олган бўлса?

Ҳа, урушдан урушнинг фарқи бор. Босқинчилик бошқа масала, Ватан ёки эзгулик мудофаасининг моҳияти эса бутунлай бошқа. Худди шундай, йигирманчи аср вабоси бўлган фашизмга қарши муҳорабани сиёсат, фирқа ёки бир давлат номи билан боғлаш мутлақо нотўғри.

Бу йилги Хотира ва қадрлаш кунини Иккинчи Жаҳон уруши якунланганининг 81 йиллигига тўғри келди. Йиллар уруш асоратларини, беадоқ ғам-андуҳларни биздан тобо-

ра узоқлаштирмакда. Жангоҳларда қон кечиби, урушнинг жамики азоб-уқубатларига гувоҳ бўлган, мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатган ватандошларимиз сафи тобора сийраклашиб бораётир. Гўё саксон йил нарида отилган ғалат ўқ замонлар оша қурбон қидириб юргандек...

Янги Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёевнинг бевосита раҳбарлигида Иккинчи Жаҳон уруши йилларида жасорат ва матонат, меҳр ва мурувват каби инсонийликнинг юксак намунасини кўрсатган халқимизнинг буюк Ғалабага қўшган муносиб ҳиссаси билан боғлиқ муқаддас хотирани сақлаб қолиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Аввало, Давлат Раҳбари ташаббуси билан уруш йилларидаги тарихимизни ўрганишда том маънода янги давр бошланди. 2020 йилгача ҳисоб-китобларда уруш арафасида юртимиз аҳолиси 6 миллион 551 минг кишини ташкил этган ва уларнинг 1 миллион

500 мингга яқини урушда қатнашган, деб кўрсатилар эди. Аммо жаҳон архивлари ўрганилиб, янги топишган маълумотлар таҳлил қилинганда Ўзбекистондан 1 миллион 951 мингга яқин киши урушга сафарбар этилгани аниқланди. Демак, ҳар уч нафар ўзбекистонликдан биттаси қўлига қурол олиб, фашизмга қарши жанг қилган. Бундан ташқари, илгари 396 минг нафар Ўзбекистон фуқароси урушда ҳалок бўлган, деб айтиларди. Аслида, бу рақам 538 мингдан зиёд бўлган, 158 мингдан кўпроғи бедарак йўқолган. Урушдан қорахат келганларга аза очиб, тақдирга тан берилган бўлса, бедарак кетган аскарлар яқинларининг мусибати ундан ҳам оғирроқ кечган.

Улар дарағи чиқмаган аскар ўғли, турмуш ўртоғи ва отасини бир умр кутган, йиллаб Оврўпа шаҳар-кентларини кезиб, жигарбандини излаган.

(Давоми 3-саҳифада.)

БУГУННИНГ ШЕЪРИ

Ибройим ЮСУПОВ

ЖАЙХУН ШАМОЛЛАРИ

Қайда юрсам соғинтирар, Она юртим томонлари, Хаёлимда сахар-сахар, Эсар Жайхун шамоллари.

Атиргул териб чўллардан, Гулирайхон чаманлардан, Бизнинг бул гўзал эллардан Эсар Жайхун шамоллари.

Пахтакор халқ меҳнат аҳли, Мартабали идрок, ақли, Ҳаёт жўш урса не чоғли, Эсар Жайхун шамоллари.

Ўзбекистон – шонли диёр, Булбуллар ишқинда ёнар, Ҳамма фаслинда навбахор, Эсар Жайхун шамоллари.

Умр қисқа, манзил узоқ, Йиллар биздан кетар йироқ, Мангу қўшиқ каби янгроқ, Эсар Жайхун шамоллари.

Эл меҳри сўнмас юзингдан, Улуғ дарёи азимдан, Қорақалпоқ, Хоразмдан, Эсар Жайхун шамоллари.

Ибройим дер, эл нафаси, Амунинг сирли шарпаси, Умримнинг боқий сабоси, Салом, Жайхун шамоллари!

ФАКТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини Шавкат Мирзиёев ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва армияни рақамлаштириш юзасидан тақдимот билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида биноан Иккинчи Жаҳон уруши даврида аскар Боқижон Акрамовнинг жонини асраб қолганлари учун Буюк Британия фуқаролари – марҳум Жон ва Филлис Эмили Ле Бретонлар “Дўстлик” ордени билан мукофотланди.

Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 1920–1934 йилларда суд ҳукми билан жазога тортилган 161 нафар шахсга доир 8 та жиноят иши кўриб чиқилди ва оқлов ҳукмлари чиқарилди.

“Жалолiddин Мангуберди” тезюрар поезди Тошкент – Хива йўналишида илк қатновни амалга оширди.

ТАҚДИМОТ



БОКУДАГИ “ВАҚТ ҲАЙКАЛИ”

Ўзбек-озарбайжон адабий алоқалари қадимий ва муштарак илдишларга эга бўлгани учун ҳам бугун чинакам юксалиш босқичига кирди. Ўтган замонларда бу икки қондош ва жондош эл адабий дўстлиги алоҳида шоиру адиблар фаолияти мисолида ривожланиб келган бўлса, айна кезде ўзаро муносабатлар, айнисса, адабий дўстлигимиз ҳар қачонгидан ҳам кенгроқ кўламда равнақ топмоқда.

(Давоми 3-саҳифада.)

УЙҒОҚ ХОТИРА

КИНОДАН МУҲИМРОҚ ИШ

Ҳотам Файзиёв. Уқпардек оппоқ сочлари ўзига ярашган, қотма гавдали, юзида мудом ним табассум акслиниб турадиган бу кадрдон сиймо хотирамда муҳрланиб қолган.

Ўша кезларда кино соҳасида муҳаррир вазифасида ишлаганим боис, режиссёр, оператор ва актёрлар билан тез-тез учрашиб турадим. Гарчи бу инсонларнинг феъл-атвори турлича, дунёқараш фарқли бўлса-да, барчаси ўз касбининг чин фидойилари эди. Баъзилари ҳатто дунёда кинодан муҳимроқ ишлар борлигини тасаввурига ҳам сиғдирилмасди. Уларнинг кўпчилиги билан



муносабатимиз салом-алиғу ишга оид гап-сўзлардан нарига ўтмаган. Бироқ Ҳотам ака билан анча яқин бўлиб қолган эдик.

Ҳотам Файзиёвнинг ярим асрдан зиёд ижодий фаолияти “Ўзбекфильм” киностудияси билан

боғлиқ бўлгани боис, ушбу масканни жонидан ортиқ яхши кўрарди. Доим киностудиянинг ютуқларидан қувонар, муаммолари ҳақида қайғурарди.

(Давоми 3-саҳифада.)

НАЖОТ ЙЎЛИ

СЎРОҚ ОСТИДАГИ НУҚТА

Эссе

1. ДНК “ИСИТМА”СИ

Генетика қизиқ нарса-да, қиров еган қовундай ичидан пишган бўлсам, бир қарашда мени хом деб ўйлашарди. Ёзганимни ўқиб, ўзимни кўрмаганлар билан танишиб қолсам, худди чегарада бувасининг бошпунини кўрсатган болага қарагандай қарашар эди. Айнисса, энди иш бошлаган кезларим бундай алмойи ишлар кўп бўлган. Юнус Қамбардинович ана шундан панд еди. Газетанинг “қўли” билан пойидаги гиламни тортидим... кўтарилиб кетди.

– Духтир оқ байроқ кўтарди, – деди юборган одами. – Акаларча гапи бор экан. “Бир келсин”, дедилар. Танишмоқчи. Бордим. Очиқ юз билан қарши олди: – Деновликмисан? – деди туманнинг янги бош шифокори. – Унда, қўлингдаги қартани кўрсатиб ўйна. Қоидаси шу: ҳар қандай хўкиз ўз оёғидан осилади. Кулуклаб бўғизламасанг, орқадан пичоқ урсанг... чурра бўласан!

(Давоми 6-саҳифада.)



ТАФАККУР ЎЙИНЛАРИ



ТИРИК ҚОЛИШ БУЮРИЛГАН

УВБ-76: Код: “НЖТИ 97281 НООСФЕРА 5176 3559”

Сарлавҳага ажабланманг. Сўзлар дунёси тобора рақамли оламга ўрин бўшатиб бераётган даврда “Jadid”нинг юқори бадий дид ва кенг академик билимга эга, газетадан юксак

эстетик завқ ҳамда янги гоғлар кутувчи муштарийлари эътиборини қуруқ ҳисобот-мақолалар билан тортишининг имкони йўқ.

(Давоми 4-саҳифада.)



УРУШНИНГ ЯХШИСИ БЎЛМАЙДИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Бироқ симиллаб туради. Айтиб берсам-бермасам, уларни унутиб бўлмайди.

Қисқача айтадиган бўлсам, урушга 1942 йилда борганман. "Юборишган" десам, ёлгонга ўхшаб қолади. Чунки ҳали ўн саккизга кирмагансан деб, қайтариб юборган комиссия. "Ташселмаш" заводда ишлардим. Аҳдимида қатъий туриб, иккинчи марта мурожаат қилганимдан сўнг хизматга олишган.



1942 йили бизни Саратов орқали Сталинградга олиб боришди, ҳозирги Волгоград. Полкимиз эски трактор заводи орқасидан ўтиб борганини эслайман. У ерда қишгача қолиб кетдик. Ундан кейин Сталинградни озод қилдик. Қўшиннинг бир қисми асирлар билан шуғулланиш учун қолдирилди.

Шундан сўнг Курск ёйига йўл олдик. У ердаги муваффақиятли жанглардан кейин, ротамиз Узловая станциясини озод қилиши керак экан. Бу вазифани ҳам бажардик. Кейин Харьков яқинидаги Казачья Лопань станциясини, сўнгра Беля Церковни озод қилдик. Кейин Днепр дарёсига чиқдик. 1943 йилнинг октябрь ойида Днепрни кечиб ўтишда ва Трехатка деган шаҳарчани озод қилишда қатнашдик.

Бу октябрь ойи, 1943 йил эди. Бир куни осмонда бизнинг қирувчиларимиз пайдо бўлиб, душман самолётларини таъқиб қила бошлади. Ҳаммамиз хурсанд бўлиб, "Ура!" деб ҳайқирдик. Фашист самолётлари ўз бомбаларини пала-партиш ташлаб, қочиш пайига тушди. Ўша бомбаларнинг бири яқинимизда портлаб, 23 киши яраланди. Менга ҳам осколка тегди. Шундан сўнг биз ярадорларни паром орқали дарёнинг нариги бетига ўтказишди ва Полтава вилоятидаги Кобеляки деган жойга, госпиталга ётқиришди.

У ерда рентген аппарати йўқ экан. "Сизларни рентген бор жойга олиб боришади", дейишди. Тўрт кишини санитария поездида чиқаришди. Шу билан бизни Пензага олиб боришди. Пензада тўхтаб турганимизда, қарасам, "Новосибирск – Тошкент" деб ёзилган состав турибди. Шайтон йўлдан уради, денг. Бир хаёлим шарт шунга чиқиб, Ўзбекистонга кетиб юборсам...

– Тошкент деган ёзувни кўриб кўнглингиз бузилиб кетган-да, ота. Барибир, Ватан меҳри тортади-ку!

– Тортади, тортади... Ўлим оғзидан қайтиб, бегона юртларда юрганнингда, айниқса, "Тошкент" деган ёзув оғзига исик кўринади. Бир ёни касал одамнинг кўнгли бўшаб кетаркан. Совуқ темирга ёзилган бўлса ҳам қалбни илтилади номи. Ўзимча ўйлайман: "Шунча азобни кўрдинг, қанча жандан тирик чиқдинг. Энди кетсанг "дезертир" бўласан..." Шу жойига келганда битта гапни ай-

тиб қўйсам. Мана, сиз ҳам шоир экансиз. Шеърда гап кўп. Ўша пайтда Ҳамид Олимжоннинг бир балладаси бўларди. Ҳозир ўқитиладими-йўқми, билмадим. Ушанда жангдан қочмоқчи бўлиб турган йигитга почта бориб қолади. Онаси хат ёзиб, қочиб тирик қолганидан кўра мардларча ўлганини яхши менга, фақат олдинга юр, душмани бурда-бурда қил, агар ўқ тегса ҳам орқагамас олдинга йиқил, деб насиҳат қилади.

Шу эсимга тушиб қолди, денг. Тошкентга борсам, Ҳамид Олимжонга раҳ-

– Шуларнинг ҳаммаси эсингизда турибди, қойил.

– Ҳа энди бошдан ўтгандан кейин эсда туради-да. Лекин буям ҳар кимда ҳар хил.

1945 йил 27 апрель куни Абакандаги билим юртида эдик. Алоқачилар биринчи бўлиб хушхабарни – уруш тугаганини айтишди. Кимдир шапкасини, кимдир ботинкасини отиб нишонлади. Ҳамма йиғлаган, бир-бирини қўтлаган... Шундан сўнг мен Красноярскдаги гарнизон госпиталида 16 кун даволандим. Тиббий кўрикдан ўтганимда, мени "сафда хизмат қилишга яроқсиз" деб топишди.

1945 йил 25 октябрь куни, шанба оқшомида поезддан тушарканман, "Мана, Ватанга келдим, Тошкент тупроғига келдим!" деб хайрат ва қувонч билан атрофга боқдим. Ерни қаттиқ-қаттиқ босдим, ўзингни тупроғинг кўтарди-да эркаликни. Нима деб айтишни ҳам билмаймаман, ростки.

– Ота, Сизни тушундик. Ҳамид Олимжон Сизни шунақа ҳиссиётингизни олдиндан билиб, шеър ёзиб кетган:

*Изингни ўпади соғинган ерлар,
Меҳру вафо билан қарайди сенга.
Йўлингга чиқади Барчин келинлар,
Қадим босмонларни солиб эсинга...
Қаҳрамон бўлиб қайтгансизлар.
Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йили гапирди, ўзбеклардан роса кўп қаҳрамон чиққан, лекин кўпчилиги хат-хужжат ишига ҳафсала қилмай, рўйхатлардан номи қолиб кетган экан. Қаҳрамон унвони берилмаган экан кейин.*

– Жуда тўғри гап. Энди, урушда эътиборсизлик бўлиши мумкин. Талотўпда кўп нарса эсдан чиқиб қолади. Қаҳрамонлик беришда, орден-медаля беришда бўлилма командири характеристика беради. Уни штаб бошлиғи текширади. Ушанга қараб беради. Лекин бу ишнинг яна бир сири бор эди: ёпиқ қарорга кўра, ҳар бир миллатдан Қаҳрамон чиқариш керак эди. Шунақа яширин томонлари ҳам бўлган.

Менимча, бугун бизда бу унвонни олганлар қолмади.

– Сиз ҳам қаҳрамонсиз, ота. Ҳақиқий қаҳрамонсиз. Мухтарам Президентимиз, Куролли Кучлар Олий Бош Қўмондон Шавкат Мирзиёев Сиз ва сафдошларингизга қаҳрамонларга муносиб эътибор қаратиб, ғамхўрлик қилляпти.

– Жуда тўғри гапирдингиз. Энди, мана

ичида мустақилликка эришгач, уруш ва меҳнат фахрийларига энг кўп эътибор бераётган, энг кўп ғамхўрлик қилаётган давлат Ўзбекистон экан.

Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан қимматбахо совға, байрам табриги ва бир марталик пул мукофоти топширилади бизга.

Шавкат Миромоновичнинг ўзи уйимизда меҳмон бўлган. Менга машина совға қилган.

– Ота, 2017 йилда 2 миллион сўм пул мукофоти олган экансиз. Мана, бу йил 30 миллион сўм берилляпти. Бошқа ҳеч ким бераётгани йўқ бу рабатни.

– Қуллуқ! Гап фақат пулда ҳам эмасда. Президентимиз янги келган вақтларида 15 кишини, кузатувчилари билан 30 кишини Маккага юборди. Ҳаммага аравача берди. Саудия Арабистонида бизни юксак ҳурмат-иззат билан кутиб олишди. Ўша ерда ҳар биримизга соат совға қилишди. Бунақа ғамхўрликни қаердан толамиз? Ҳамма дуо қилди. Ҳар куни дуо қиламиз.

– Ота, юртимизга кўз тегмасин. Яна дунё нотинч бўлиб турибди-ку. Нима деган бўлардингиз шуларга?

– Халқ урушни хоҳламайди. Буни пулим кўпайсин, дунёда номим чиқсин, деганлар бошлади. Урушнинг яхшиси бўлмайди. Мен Гафур Фуломни танирдим. 1949 йил танишганман. Жуда улуғ одам бўлган – "Вақт" деган шеърини ўз оғзидан эшитганман. Шуҳрат қолдириш, ном қолдириш учун ибодатхоналарни ёқиш шартмас, халқ учун бир бинога гишт қўйиб, улуш қўшсанг бас, деб ёзган.

Лекин Ватан ҳимояси учун урушга кириш бошқа нарса. Ҳар бир давлат ўзини ҳимоя қилиши, мудофаа учун армиясини кучайтириши керак.

– Акмал ота, Сиз билан ҳали кўп суҳбатлар кураимиз. Уруш ҳақида кўп китоб ўқиганмиз. Ўзим Эрнест Хемингуэйнинг мухлисманман. Бироқ Сиз айтган гаплар бирорта асарда йўқ. Ўзингиз тирик китобсиз. Юз ёшдан кейин одам ёшарини бошлар экан. Сиз ҳам, мана, Янги Ўзбекистонда янгича ҳаёт бошляпсиз. Энди бир дуо қилиб берсангиз.

– Шошма. Дудодан олдин яна икки-уч оғиз гапим бор. Одамлар янгиликка, яхшиликка тез ўрнади. Гўё ўзи шундоқ бўлиши керакдай, ўз-ўзидан бўлаётгандай. Нега дунёда тинч жой кам, лекин Ўзбекистонимиз осойишта? Нега кўниқўшчилар ўртасида можаро чиқса, тез-



анча тузалиб қолгандим. Лекин йирингли тешик пайдо бўлди. Докторлар рентген қилиб, қайта операция қиламас, дейишди. Шунда госпитал бош врач, тиббий хизмат полковниги бўлган бир аёл келиб қолди. Жараҳатимни кўрдию: "Даволаниш усулини ўзгартиришлар, операциянинг кераги йўқ, ўз-ўзидан чиқиб кетади йиринг", деб тўхтатди. Кейин хизматни жанговар захирода давом эттирдим.

мен бир асрдан кўп кечган ҳаётимдан келиб чиқиб айтаман. Президентимиз илгари ҳеч қачон бўлмаган эътиборни беришти уруш ва меҳнат фахрийларига. Бу киши келгандан кейин юрт обод бўлди, халқни хурсанд қилдилар.

"Ғалаба боғи" куриб берди. 2021 йили Россия телевидениеси вакиллари шу боғга келди. Ўттизга яқин фахрийларни, шулар қатори мениям тақлиф қилишди. Меҳмонларнинг бошлиғи бир рус аёл экан. Мен ундан: "Қандай, боғ сизларга ёқдими?" деб сўрадим. У: "Ҳатто бутун дунёда ҳам бунга ўхшаши йўқ. Фақат Беларусь Республикасидаги боғ яқин келади бироз", деб жавоб берди. Шунда мен: "Президентимиз биз учун ҳеч нарсани аямайди, бор меҳрини беради!" деб фахр билан айтдим.

Тўғриси-да, мана, фахрийларнинг ҳаммасига мукофот берди. "Аргументы и факты" газетасида ўқидим, собиқ иттифоқ таркибида бўлган республикалар

да тинчиб қоляпти? Нега Сурхондарёнинг теварагидаги жиловсиз тоифа жим юрибди? Ўз-ўзидан бўляптими? Буларнинг ҳаммаси ниманинг эвазига, кимнинг меҳнати бадалига тушяпти? Албатта, Президентимизнинг ақлли сиёсати, шахсияти, Ватанни яхши кўриши асосий омил! Буни ҳамма билиши, гапириши керак. Қадрлаш керак! Кўрдик-ку, телевизорда бошқа гап, ҳаётда бошқа томоша. Ана энди дуога ўтсам бўлади.

Яратгандан сўрайманки, Президентимизга, ёшларимизга, халқимизга баракали умр берсин! Юртимизни обод қилиб, Янги Ўзбекистон қуриш йўлидаги ишларга ривож берсин! Ёшларимиз омон бўлсин, илмли бўлиб, Учинчи Ренессанс пойдеворини қўйиш ниятига етсин! Президентга, халқ ноибларига, вазирларга, халққа қайишадиган одамларга куч-қувват берсин! Ким яхши ният қилган бўлса, муродига етказсин!

Иқбол МИРЗО суҳбатлашди.

АБАДИЯТ ОРАЛАБ...



Гафур ФУЛОМ

СОҒИНИШ

*Зўр қарвон йўлида етим бўтадек,
Интизор кўзларда ҳалқа-ҳалқа ёш.
Энг кичик заррадан Юпитергача
Ўзинг мураббийсан, хабар бер, Қуёш!*

*Узилган бир киприк абад йўқолмас,
Шунчалар мустаҳкам хонаи хуршид.
Бугун сабза бўлди қишдаги нафас,
Ҳозир қонда кезар эртаги умид.*

*Хоки анжир тугаб, қовун ғарқ пишган
Бахтли тонг отар чоғ уни кузатдим,
Бир малъун гулшанга қадам қўймишкан,
Жони бир жондошлар қолармиди жим!*

*Унда етук эди мерос мард ғурур,
Остонани ўпиб, қасамёд қилди.
Укаларин эркалаб, ўзимдай мағрур,
Яъни обод уйимни у дилшод қилди...*

*Иблисинг ғарази бўлган бу уруш
Албатта, етади ўзин бошига.
Ўғлим омон келар, голиб, музаффар,
Гард ҳам кўндирмасдан қора қошига.*

*Не қилса отамен, мерос ҳиссиёт...
Жондан соғинишга унинг ҳаққи бор,
Кутаман, узоқдан кўринса бир от,
Келяпти, дейман кўринса ғубор.*

*Баҳор новдасида бўртган ҳар куртак
Соғинган кўнгилга берар тасалли.
Кўчатлар қоматин эслатганидек,
Нафасин уфурар тонг отар ели.*

*Кечкурун ош сузсак бир насиба кам,
Қўмсайман бировни – аллаккимини,
Доимо умидим бардам бўлса ҳам,
Баъзан васвасалар босар дилимни.*

*Балки бир ғалат ўқ ё хавфу хатар
Ҳазинаи умримдан йўқотди олмос...
Йўқ, у ўлмас, қадами олам яратар,
Ҳаётини бу олам сизу бизга хос.*

*Тонг отар чоғида жуда соғиниб,
Бедил ўқир эдим, чиқди офтоб.
Лойқа хаёлотлар чашмадай тинди,
Пок-покиза юрак бир қатра симоб.*

*Ўроғу гулқайчи, истак кўтариб,
Ҳовримни босишга боққа жўнадим.
Ҳашарчи қўшни қиз – унинг севгани,
Маънос босар эди орқамдан одим.*

*Боғда сарвинозим йўқ эди гарчанд,
Кўмакчим аргувон ёринг Нафиса,
Сени соғинганда қилдим гул пайванд –
Бу баҳордан ҳаёт оларди бўса.*

*Дур бўлиб тақилур ёринг бўйнига,
Садафдай кўзимда, беҳуда бу ёш.
Икковинг икки ёш, лабинг лабига
Қўяр, васвасамдан кулади қуёш.*

*Асалдан ажраган мумдай сарғайиб,
Ини йўқ аридек тўзгиганым йўқ.
Улуғ эътиқодда ўламан қариб,
Абаддир мендаги падарий ҳуқуқ.*

*Сизларни келди, деб эшитган куни –
Ўзинг тўқиб кетган катта саватда
Тўлатиб шафтоли узиб чиқаман,
Ғалаба кунлари яқин, албатта.*

*Яёв, кўксим очиб, бошда шафтолу,
Худди мўйлабингдек майин туки бор,
Ҳар битта шафтолу мисоли кулгу,
Шафқатдай ним пушти, сарин, беғубор.*

*Суйганинг лабиди реза тер каби
Унда титраб турар сабуҳий шабнам.
Мунчалик мазани топа олмайди
Йўқуда тамшанган чақалоқлар ҳам.*

*Е ўғлим, жонгинанг саломат бўлсин,
Ўз боғинг, ўз меванг, данагин сақла.
Шу мерос боғингни ўз кўлингга ол,
Менга топширилган меросий ҳақ-ла.*

*Боғда товус каби хироман бўлиб,
Умид данагини билра экингиз,
Ғолиб келажакни сайр қилайлик
Мушфиқ онагинанг билан иккимиз.*



“
Тинчликнинг ғалабалари урушникдан кам эмас, аммо унга қўйилган ҳайкаллар жуда санокли.
Фрэнк ХАББАРД
”



ЭЗГУЛИК МУДОФААСИ

Бошланиши 1-саҳифада.



Узбекистон жангоҳларга жуда катта миқдорда ҳарбий техника, қурол-яроғ, дори-дармон, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берадиган муҳим таянч марказларидан бири эди. Ишлаб чиқариш корхоналари ҳарбий мақсадларда қайта ташкил этилиб, уларнинг сони 300 га яқинлашган. Шу даврда фронт худудларидан юртимизга 151 та завод кўчириб келтирилиб, қисқа фурсатда ишга туширилди. Уларда аҳолимиз туну кун машаққатли меҳнат қилиб, қаҳрамонлик намунаси кўрсатган, десақ, айни ҳақиқат.

Натижада Узбекистон уруш йилларида фронт учун 2100 та самолёт, 17342 та авиомотор, 2318000 дона авиамобил, 60 мингга яқин ҳарбий-кимёвий аппаратура, 22 млн. дона мина ва 560 минг дона снаряд, 1 млн. дона граната, 330 мингта парашют, ҳарбий эҳтиёж учун 100 минг километрдан ортиқ турли симлар, миналарни аниқлаб берувчи 4,5 минг дона қурилма, 2861000 дона армия этиклар ва 59 мингдан ортиқ от ва кўпгина бошқа ҳарбий анжомлар етказиб берди. Шунинг ўзидек узбек халқининг ғалабага қўшган ҳиссаси қанчалик салмоқли бўлганлигини кўрсатиб турибди.

Оғир дамда халқимизнинг инсонпарварлиги, бағрикенглиги, айниқса, яққол кўринди. Аҳолимиз уруш тўғрисида уй-жойи, ота-онаси ва қариндошларидан ажралган, таҳликали худудлардан кўчириб келтирилган қарийб 1,5 миллион одамни бағрига олди. Кўпгина узбек оилалари икки ва ундан ортиқ етим болаларни ўз тарбиясига олиб, охириги бурда нонини ҳам баҳам кўрди. Албатта, бу шунчаки статистик маълумот эмас, бу рақамлар муҳим уруш оқибатларини ҳеч қачон унутмасликка чақиради. Айни чоғда, бугунги тинч ва гўзал ҳаётнинг қадрига етиб, доимо хушёр ва оғоҳ бўлишга, ёшларда Ватанга садоқат руҳини шакллантиришга ундайди.

Президентимизнинг қарори билан Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида ташкил этилган “Ғалаба боғи” ёшларимизни миллатни севиш, юртининг ҳар қарич тўғрғини қадрлашга ўргатиш, эзгулик ва саховат сингари халқ-

лик фаолиятдан чалғийди. Шу боисдан ҳам ҳамиша оғоҳ бўлиш, аҳил-иноқликни мустақамлаш, ёшлар тарбиясида қаттиқ туриш тўғрисидаги даъватларни доимо ёдимизда тутмоғимиз ва унга амал қилмоғимиз зарур.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, дунёдаги ҳозирги мураккаб вазият, қўшни минтақалардаги зиддият ва қуролли низолар Ўзбекистон ҳавфсизлиги ва тинчлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда.

Халқимизда “Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кўтарилади”, деган нақл бор. Бундай жанжаллар минтақа миқёсида, қитъа миқёсида, бутун ер юзюда юзга келтирадиган парокандаликни, инқирозни, мусибатни тасаввур этиб кўринг-а! Шу маънода, ҳар қандай қирғинбарот уруш аслида инсониятни тамаддун ривожидан анча орқага иргитиб ташлайдиган, ҳеч қандай залворли ваз-карсон билан ҳам оқлаб бўлмайдиган қонли жиноятдир. Чунки ҳар қандай урушнинг моҳиятида инсон ҳаётига қасд қилиш истаги ётади. Урушда ғолиблар бўлмайди, вақтида ўчирилмаса, эртами-кечми, бу юю олов ҳам-мани домига тортиб кетади, ҳеч кимни четлаб ўтмайди. Демакки, ҳозирги кунда дунё халқлари учун тинчликни сақлаб қолтириш, одамларнинг яшаш ҳуқуқини таъминлашдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ экани тобора чуқурроқ аён бўлмоқда.

И.МИРЗААЛИЕВ

БОКУДАГИ “ВАҚТ ҲАЙКАЛИ”

Бошланиши 1-саҳифада.

Яқинда Боку шаҳрида Ўзбекистон халқ шоири Сирожиiddин Саййиднинг “Вақт ҳайкали” китобининг озарбайжон тилидаги наشري тақдироти юқори савияда ташкил этилгани мустақам адабий ҳамкорлигимизнинг яна бир далили бўлди.

Озарбайжон халқ ёзувчиси Анор Рзаев тадбирни очар экан, жумладан, шундай деди: “Азалдан қондош ва бир-биримизни яхши билган элмиз. Икки халқнинг бирдамлигини, икки Президентнинг дўстлигини бил-либ, кузатиб турибмиз. Давлат раҳбарларимиз олиб бораётган сиёсат таҳсинга сазовор. Бу дўстлик адабий ҳамкорлигимизга ҳам кенг йўл очаётир. Сирожиiddин Саййиднинг “Вақт ҳайкали” китоби озарбайжон тилига таржима этилгани ҳаммамизни хурсанд қилди. Шоирнинг юксак шеърлари ва достонлари озарбайжон халқининг адабий-маънавий хазинасига айланшига ишонаман”.

Тақдиротда Ўзбекистоннинг Озарбайжон Республикасидаги факултетида ва мухтор элчиси Баҳром Ашрафонов, Озарбайжон Миллий Мажлиси депутати Жавашир Фейзиёв, Озарбайжон халқ ёзувчиси Чингиз Абдуллаев, филология фанлари доктори, профессор Алмас Улви Биннатова, шоирлар Илгор Турк ўли, Ғайрат Маҳид китоб ҳақида фикрларини билдирди. Камина ҳам ушбу шеърини тўплам таржимасининг аҳамияти хусусида сўзлади.

“Вақтга ҳайкал қўймоқ пайти ҳам етди!” – ушбу сатр Сирожиiddин Саййиднинг 1984 йили ёзилган “Саксонинчи йиллар” достонидан олинган. Вақт деган улуғ неъматни қадрлаш, уни елга совиришдан сақланмоқ, асл ҳақиқатларга бағишламоқ – вақтга ҳайкал қўйиш деганда шоир ана шу теран моҳиятни назарда тутди. Унингча, ҳаёт – ҳазрат Навоий қўйлаган азоб, устоз Ғафур Фулмон эъзозлаган эзгу дард. Зеро, ҳақиқий шеър ана шу азоб ва эзгу дард ҳосиласи. Вақтга



ижодкор қўяжак ҳайкал “Фоний ҳасрат эмас – Олий Орзудан, Ўткинчи ғам эмас – Юксак Ишончдан” қурилмоғи зарур. “Тугёндан, виждондан, гийҳдан, тонгдан, Шабнамдан, қасамдан, севи, қувончдан” бунёд этилмоғи керак бу ҳайкал.

Ҳақиқий шоир юрагини мудом миллат дарди, башарият дарди ўртади. У ҳазрат Навоий бўлиб, Астрообода сургун этилади. Соқ бир Термизий бўлиб сувга фарқ қилинади. Дунёда кечаётган уруш-талашлар, зулм-ўлдирлишлар, талон-торожлар қалбини муттасил изтиробга солади, руҳини ғам денгизига чўктиради. Афғонистон қумларига аскарлар йўқилганда, У ҳам ёзув столида сўзсиз яраланади. Женевадаги тинчлик шартномаларни чўзилганда, уни таҳликага солган мударлар ҳам узаяди. Никарагуада, Байрутда юз берган вайронгарчилик ва қотилликлардан дафтарига қонлар сачрайди, самоларда жон берган Муин Бсису ҳасрати унинг ҳам кўнглига мунг солади. Она кўзёшларини тимсолида дунё кўзёшларининг моҳиятини англайди. Инсон дард билан буюк эканини юракдан ҳис этади. Бутун дунё виждонларини бирлашмоққа чорлайди.

Достон мана бундай хулосаларнади:

Менинг кўз олдимда
Вақт турар фақат –
Бутун Инсоният
шаклидаги Вақт.

Вақтни инсоният шаклида тасаввур этиш, ҳис этиш учун шоирона тафаккур ва ижодий таҳайюл, тонгдай тоза қалб зарур, юракда чўнг дард бўлмоғи керак. Сирожиiddин Саййид ана шундай залворни елкасига олган салоҳиятли ижодкор. Шу боис, турли миллат шоирлари унинг асарларини ўз тилларида таржима қилмоққа эҳтиёж сезаётир. Шеърлари қардош ўлкаларда ҳам севиб ўқилмоқда.

“Вақт ҳайкали” китобини озарбайжон тилига таниқли ижодкорлар Акиф Азалп ва Яшар Қосим таржима қилган. Китобдан шоирнинг инсон ва жамият муносабат-тондари ҳаёт ва ишқ фалсафаси, Ватан ва халқ муҳаббати, тарих ва замон концепцияси билан боғлиқ сара шеърлари, “Саксонинчи йиллар” ҳамда “Таназзул” достонлари ўрин олган. Бу нашр ўзбек шеър-иятининг ҳам ютуғи, ўзбек-озарбайжон адабий алоқаларини муттасил ривожлантаётгани далилидир.

Сафар режамизнинг энг муҳим қисмларидан бири – тарихий Ганжа шахрига бориш ва буюк Низомий Ганжавий мақбарасини зиёрат этиш эди. Мезбонларга эҳтиром ҳамда уларда Озарбайжон ўлкаси ҳақида кенгроқ таассурот уйғотиш учун бўлса керак, йўлимиз Буюк Кавказ тоғлари домини орқали ташкил этилди. Уловимиз йўлнинг танобини тортиб борар экан, Буюк Кавказ тоғлари эта-гида жойлашган ширвоншоҳлар

салтанатининг бошкенти Шамахи шаҳридан ўтдик. Эрамиздан аввалги V-IV асрлардаёқ аҳоли истикомат қилган бу тарихий шаҳар юксак маданият ва адабиёт маркази сифатида ҳам шуҳрат қозонган. Шамахи бошқа барча фазилатларини санамганда ҳам, Имомиддин Насимий, Хоқоний Ширвоний, Мирза Алиакбар Собир, Саййид Азим Ширвоний, Муҳаммад Ҳодий сингари улуғ шоиру мутафаккирлар ватани экани билан ҳам мўътабар масканлардан саналади.

Ганжа шаҳрида бизни шахар ҳокими ўринбосари Одил Тагиев ва Озарбайжон Фанлар академияси Ганжа бўлими масъул котиби Алимхўтор Мухторов кутиб олди. Биргалиқда Шайх Низомий Ганжавий мақбараси зиёратига бордик. Қуръон тиловат қилдик. Буюк Низомий Ганжавий ва улуғ халфафи ҳазрат Алишер Навоийнинг пок руҳлари, икки улуғ қардош халқларимиз дўстлиғи ва адабий ҳамкорлиғи юксалиши учун барча имкониятларни яратиб бераётган икки давлат раҳбари ҳақида хайрли дуолар қилдик.

Низомий зиёратидан сўнг фузулийшунос олим ва адиб Мир Жалол Пашаевнинг уй-музейида бўлдик. Озарбайжон Ёзарлар бирлигининг Ганжа вилояти филиалида шоиру адиблар билан қизгин ижодий мулоқот ўтказилди. Озарбайжон Халқ ёзувчиси Анор Рзаевнинг онаси Нигор Рафибейли ҳайкали пойига гуллар қўйилиб, шоира хотирасига эҳтиром кўрсатилди. Боку шаҳридаги “Шаҳидлар хиёбони”даги совет даври фитналарининг қурбонлари хотирланди. Шундан сўнг Озарбайжон Республикасининг биринчи президенти Гейдар Алиев ёдгорлиғи пойига гулчамбарлар қўйилди.

Озарбайжон сафари дўстлик кўприкларини янада мустақамлагани билан хотирамизга муҳрланди.


Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари
доктори,
профессор

Бошланиши 1-саҳифада.

– Кўчада “Ўзбекфильм” қурилиш молларини сотиб олин”, деган баҳайбат эълонга кўзим тушиб қолди, – деди у киши бир гал куйиниб. – Буям етмагандай, қайси куни таксига чиқиб, “Ўзбекфильм”га ташлаб қўйинг”, десам, ҳайдовчи “Қурилиш қилаётган экансиз-да”, дейди. Ҳозир кўпчилик киностудия деса оҳақ билан цементни тушунадиган бўлиб қолди. Бу кетишда киностудиянинг аҳволи нима бўлади?

Чинданам, ўша кезларда киностудия худудининг каттагина қисми қурилиш моллари бозорига айлантилган эди. Бошқалар бунга эътибор бермаслиги мумкин, аммо Хотам ака ўз ҳаётининг мазмунига айланиб қолган ушбу масканнинг тақдирига бепарқ қарай олмас, унинг нуфузи ва обрўсини ҳамма нарсдан устун қўяр эди.

Кейинги йилларда муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан “Ўзбекфильм” киностудияси тўлиқ реконструкция қилиниб, энг сўнгги киностудиялар билан жиҳозланди. Яқин-яқин-



мен учун ҳам айна муддао бўлди.

Хуллас, учаламиз эрталабдан ишга киришамиз. Ҳар бир жумла, эпизодни чиғирқдан ўтказамиз. Режиссёрлик сценарийсини ёзиш – жуда машаққатли иш. Кишини тез толиқтиради. Мелис ака буни яхши билади. Шу боис, орада қизиқ-қизиқ воқеаларни гапириб бериб, бизни

КИНОДАН МУҲИМРОҚ ИШ

гача харобага айланиб, деярли хувиллаб ётган ушбу маскан яна файзли ижодхонага айланди. Ўзимизникилар туғул, хорихлик кино усталари ҳам у ердаги замонавий павильонларда фильмлар тасвирга олишмоқда. Агар Хотам Холматович ҳаёт бўлганда, бундан ёш боладай қувонган бўларди. Афсус, у киши шу кунларни кўрмай кетди.

Киночилар орасида Хотам Файзиёвнинг операторлик маҳорати ҳақида афсоналар юради. Айтишларича, хорихдаги кино институтларидан бирида у киши олган кадрлар талабаларга қўлланма сифатида ўқитиларкан. Бу бежиз эмас. Шу ўринда таниқли режиссёр Шуҳрат Аббосовнинг кино санъатининг хазинасидан жиғ олган “Сен етим эмассан”, “Тошкент – нон шаҳри”, “Абу Райҳон Беруний” сингари фильмларини айнан Хотам Файзиёв тасвирга олганини эслашнинг ўзи кифоя бўлса керак. Таъбир жоиз бўлса, мазкур картиналарнинг ҳар бир лавҳаси чинакам санъат намунаси ҳисобланади.

Кейинги вақтларда Хотам ака режиссёр сифатида фильмлар ишлашга бел боғлаган эди. Шу ниятда муаллифлар билан ҳамкорликда бир неча сценарийлар ҳам тайёрлади. Бироқ мутасаддилар негадир бунга ҳадеганда рўйхушлик беравермасди. “Сиз тажрибали операторсиз, режиссёр бўлман деб бошингизни оғритиб нима қиласиз? Ундан кўра, янги фильмларни тасвирга олиб, кўпроқ шоғирдлар тарбияласангиз яхши бўларди”, деган гапни гоҳ очикчасига, гоҳ пардага ўраб айтишарди.

– Нега ҳамма мени оператор деб ҳисоблашга тушунмайман, – деди у киши бир куни хафа бўлиб. – Ахир, институтда режиссёрлик факультетини битирганман. Фақат икки йил операторлик курсида ўқиганман.

Ҳартуғул, Хотам Файзиёв маълум даражада ниятига эришди – “Оқ бино оқшомлари”, “Кичкина одамлар”, “Ёзсиз йил”, “Таъзиядаги тўй” (таниқли режиссёр Мелис Абзалов билан ҳамкорликда) фильмларига режиссёрлик қилди.

Ўша кезларда соҳа вакиллари “кино – бошқа, адабиёт – бошқа” деган гапни кўп такрорлашарди. Бир ҳисобда бу гапда ҳам жон жон. Зотан, кино санъатининг асосий ифода воситаси тасвир ва ҳаракатдан иборат бўлса, адабиёт асосан сўзнинг кучига таянади. Уларнинг “бошини қовуштириш” ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Ушбу тушунча таъсирида бўлса керак, айрим режиссёрлар миллий адабиётимизга анча бепасанд қарашарди. Улар янги чиқаётган асарларни деярли ўқимас, ёзувчи-шоирларимизни яхши танимасди. Ўзи сценарий ёзиб, ўзи суратга олиш иштиёқи кучли эди. Афсуски, ҳаммаям Зулфиқор Мусоқов, Ёлқин Тўйчиев бўл-лолмайдил!

Хотам ака эса ўзбек адабиётининг ҳақиқий мухлиси эди. Янги чиққан асарларни тинимсиз ўқирди. Қачон қарасангиз, биронта китоб ёки адабий журнални қўлтиқлаб юрарди. У киши китоблардан кино қидирарди. Қўлига тузукроқ асар тушиб қолса, муаллифини сўраб-суриштириб, топиб, у билан гаплашарди. Режиссёр сифатида суратга олган тўртта фильмига ҳам бадиий асарлар асос бўлди.

Хотам Файзиёвнинг сценарий ёзиш жараёнидаги талабчанлиги, симчовлиги унча ҳолисизлантириб қўяркан. Такризиниям зўрга ёздим. Эрталаб устидан кўриб, бир-икки жойини тузатган эдим. Қайтадан оққа кўчиришга кучим етмади. Ўқийшга қийналасангиз, мендан хафа бўлманг.

Кечга яқин такризлар етиб келди. Дарҳақиқат, Хотам аканинг дастхати аввалгиларидан фарқ қилар, у киши ҳар бир сатрни қийналиб ёзгани сезилиб турарди. Лекин уч-тўртта жумлага тузатиш киритилганини айтмас, матн раво ва тушунарли. Заҳматкаш санъаткор ҳар бир ишни расамади билан бажаришга одатланган эди. Ўшанда Хотам ака билан охириги марта гаплашиб турганимиз ҳаёлимга ҳам келмаган эди. Эртаси кун кутилмаганда у кишининг вафот этгани ҳақидаги нохуш хабар етиб келди...

Ҳа, Хотам Файзиёв умрининг сўнгги дамларида ҳам кино ҳақида қайғурган эди. Тез орада бадиий кенгаш мажлиси бўлиб ўтди. Ўша такризларни ўқиб берганимда хонага бир мудард сукунат чўкди. Барча Хотам Файзиёвнинг бўшаб қолган ўрнига ўйчан тикилиб қолди. Кино санъатимиз у кишининг тимсолида ўзининг жуда катта намояндасидан жудо бўлгани ҳамма бирдай ҳис қилиб турарди.

Ғафур ШЕРМУҲАММАД



ТИРИК ҚОЛИШ БУЮРИЛГАН

Бошланиш 1-саҳифада.

Бу ғалати белгилар технологик сирлар, конспирология, футуристика ва геосиёсатда қандай маъно англатишига қуйида батафсил тўхталамиз.

Забардаст жадид бобомиз Махмудхўжа Беҳбудий ҳам ёшларни илм-фанга қизиқтириш учун шу каби усуллардан унумли фойдаланган. У кишининг "Қисқача умумий жўғрофия" асарига: "Миррихда (Марсда) ҳаёт бор ва илми биздан зиёддир", деган илмий-фантастик фаразлари ўша давр Туркистони учун мисли кўрилмаган жасорат эди. Мутолаа орқали ҳали ўзбек матбуоти деярли тўхталмаган ва ўқувчиларга тушунириб бермаган ҳодиса ҳамда фактлар, дунёда кенг муҳокама қилинаётган фаразлардан ўзига хос хулосалар чиқариш, фаол ўқувчи сифатида янги-янги фаразларни илгари суриш имконига эга бўласиз.

Ажабтовур таҳлил ва ҳодисаларнинг мантиқий изчиллигини теранроқ англаш учун аввал юртимизнинг рақамли ривожланиши қандай босқичлардан ўтаётгани ва биз нималарга интилаётганимизни таҳлил қилиб олишимиз зарур.

РАҚАМЛИ БУЮК ИПАК ЙЎЛИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган рақамли-технологик инқилоб кўламини ҳис қилмаган одам бўлмас керак. Биз қисқа фурсатда интернет тезлиги сониясига 2,5 Мбит/с.дан ошмайдиган, оддийгина электрон почтани очгунча қумғонда чой қайнатиб, парварда билан тамадди қилиб олишга улгуриладиган "рақамли зиндон"дан минтақанинг технологик байроқдорига айландик.

Бугун юртимизда интернет тезлиги сониясига 100 Мбит/с.дан ошади. 2016 йилдаги бир мегабайт интернет учун тўланадиган 400-600 сўм ўрнини 3-5 сўмдан ошмайдиган нархлар эгаллади. Айрим улгурчи пакетларда ҳатто 1 сўмдан ҳам харид қилиш мумкин. Аҳолининг интернет билан таъминланганлиги буйича халқроқ статистиканинг охири қаторларидан – нархлар энг арзон "топ" давлатлардан бирига айландик.

"Бир миллион дастурчи" лойиҳасини муваффақиятли амалга оширдик. Иқтисодиётга "IT экспорт" деган тушунча кириб келди. Хисоботларга қараганда, йилига 1 миллиард долларлик IT маҳсулот сотяпти. Ички онлайн хизматлардан кўриладиган фойда 10 триллион сўмга яқинлашди. Соҳада 100 мингдан ортиқ ёшлар юқори даромадли иш билан таъминланди. Яшил энергияга асосланган йирик дата-марказлар қурилмоқда. Энг машҳур компаниялардан бири – "DataVolt" билан ҳамкорликда амалга оширилган ана шундай лойиҳалардан бирининг қиймати 5 миллиард долларга тенг.

Дата-марказлар замонавий кар-



вонсарой, резервуар-қудуқ, сардоба вазифаларини ўтайди. Биз Хитой ва Ҳиндистон, Жанубий-Шарқий Осиё давлатларини Россия ва Ғарб, Яқин Шарқ ва Африка билан қуруқлик орқали боғловчи Рақамли Буюк Ипак йўлининг дастлабки ана шундай қарвонсаройларини, уларда хизмат кўрсатувчи етук ходимларини шакллантира бошладик. Тез орада глобал рақамли оламнинг муҳим стратегик қисмига айланиш тадоригидамиз.

Хўш, бу шиддатли интилиш замирида фақат иқтисодий кўрсаткичларни кўтариш ёки замонавийликка тақлид истаги бор, ҳоломи? Асло! Бу пойга миллий тафаккурнинг янги оламдаги истиқлоли учун муҳорабадир.

Биз глобал рақамли тизимнинг шунчаки "маълумотлар манбаи" ёки "истеъмолчиси" бўлишдан юксалиб, унинг мазмун ва моҳиятига белгиланган кучлардан бирига – "Буюк йўл" эгаларига айланишга уринмоқдамиз.

Бироқ девқадам илгариланган бораётган дунёда қулоқларни қоматга келтириётган саноксис серверларнинг ғувиллаши ортида номаълум бир нидо ҳам яширингандек. Бу шунчаки техник шовқин эмас, балки рақамли оламнинг тубидан келаётган сирли бир "Монолог"га ўхшайди...

Энди сизни конспирологиянинг қоронғу кўчаларига чорлаб, сарлавҳада ваъда қилганимиздек, Усмон Носир услубида лирик чекиниш қиламиз...

"ҒУНГИЛЛОҚ"

Аслида, мақоланинг бу қисми ичсарлавҳасини "Монолог"дагидек: **"Жим! Уфқда ботар кўёшни / Шарт кесилган бошга ўхшатдим"**, дея қўймоқчи эдим. Зеро, "лирик чекиниш"га ўхшаш "юриниш" юқоридagi монотон хисоботдан сўнг ўтмоқчи

бўлаётган ғалати оҳангимизга жудамос тушарди...

Гапнинг индаллоси: ўтган йилнинг декабрь ойи охирида кўплаб конспирологлар – ғайриилм ва жаҳон миқёсидаги фитна гоёси тарафдорлари – тилида "Қиёмат радиостанцияси", "Ғунгиллоқ" номи билан машҳур, одатда эфирга фақат бир маромдаги ғунгиллоқ товушини узатиб турувчи УВБ-76 станцияси қутилмаганда фаоллашиб, айрим кунларда 20 тагача код эълон қилди. 19 январда эса "НЖТИ 97281 НООСФЕРА 5176 3559" кодни тарқатиб, яна ғунгиллоқ режимига қайтди.

1976 йилдан буюн ғунгиллоқнинг, ахён-ахёнда ғалати кодлар эълон қилиб турадиган бу станция – Россия Мудофаа вазирлигининг энг катта сирларидан бири. Конспирологларнинг айтишича, кодлар ҳар гал дунёдаги йирик ўзгаришлардан аввал жўнатили бошланади. Улар станцияни ядровий ва юқори технологик қуроллар, космик ва квант технологиялари соҳасида, "Последний периметр", "Рубеж", "Вулкан" тизимлари билан боғлиқ, деб ҳисоблашади.

Станциянинг бу галги фаоллашуви аввалгиларга ўхшамайди. Илгари у ҳеч қачон бу қадар "жазава" билан кетма-кет кодлар тарқатмаган. "Фитна гоёси" тарафдорлари "Ғунгиллоқ" йиллар мобайнида узатиб келган кодлар каталогини яратишган. Эринмаган бу одамлар кодларни ўқиш учун ўзига хос алифбо ҳам тузишган. Хўш, уларнинг "алифбо"-си охири кодни нима деб "таржима" қилди?

Украина Фанлар академияси асосчиси, академик Владимир Вернадский таълимотига кўра, олам тараққиёти турли босқичлар – геосфера, биосфера ва ниҳоят ноосфера, яъни, инсон ақлу заковатининг табиат кучлари устидан ҳукмрон-

лик даражасигача ривожланиб боради. РФ Мудофаа вазирлигининг "Ғунгиллоқ" 19 январь кун илгари ҳеч қачон ишлатмаган "Ноосфера" кодни эълон қилди. "Ғалати одамлар": "Янги эра бошланди!" дея айюханнос солишмоқда.

"РАҚАМЛИ ДАЖЖОЛ"

Дунё алғов-далғов. Ҳарбийларнинг код алмашиши табиий ҳол. Аммо урушлар, келишмовчиликлар, низолар ҳаммаша бўлган. Булар "Ғунгиллоқ" учун янгилик эмас. Конспирологларнинг "янги замон" ҳақидаги ваҳималарига мийғимизда қулиб қўйсақ-да, уларнинг ғайриоддий фаразларини ҳам кўриб чиқиш зарар қилмайди.

"Ғунгиллоқ", "Ноосфера"ни эълон қилиб, яна "уйку"га кетишидан икки кун илгари кўпчиликнинг эътиборидан четда қолган, аммо жаҳон технологиялари тарихида мисли кўрилмаган воқеа юз берди. 17 январда Илон Маск 1 гигаваатт қувват билан ишлайдиган янги дата маркази – "Colossus-2"ни ишга туширди. Унинг қуввати ойма-ой ошириб борилиши назарда тутилган. Апрель охирига бориб суперкомпьютер 1,5 гигаваатт энергия истеъмол қилиши айтилган эди. Июнда эса тўлиқ қувват билан ишлай бошлади. Яқин келажақда у 2 гигавааттга чиқиши кутилмоқда. Яъни, биргина шу "мечкай" ейдиган энергия Кипр, Эстония, Хорватия, Словения каби давлатларнинг бутун иқтисодиёти истеъмол қиладиган қувватдан бир неча марта кўп. Ҳатто кўшнимиз Қирғизистоннинг сарфи уникига етолмайди. Руанда, Мали, Сенегал, Мадагаскар каби ўнлаб Африка давлатларининг харжини кўшиб хисоблаганда ҳам улардан ошиб тушади.

"Colossus-2" – Grok AI моделининг янги версияларини ўқитишга мўлжалланган, хисоблаш қуввати миқёси жиҳатидан энг йирик суперкомпьютерлар кластеридир. Яқин келажақда у сониясига 50 эксафлопс амални бажариш имкониятига эга бўлади. Инсон танасида ўрта ҳисобда 37,2 триллион ҳужайра бор. Яъни бу суперкомпьютер бир сонияда ҳар бир ҳужайраимизни 1,5 миллион марта сканерлаб чиқиши мумкин.

Айримлар ушбу тизимнинг чексиз имкониятларини хисобга олиб, рамзий маънода "Рақамли Дажжол" деб номлаб ҳам улгуришди. Энг қизиғи шундаки, "Ғунгиллоқ" Ноосфера кодни эълон қилишидан бир неча соат аввал – 19 январь кун "xAI" айнан мана шу "Дажжол"да Grok сунъий интеллектининг янги версиясини ўқитишни бошлади... "Фитна гоёси" тарафдорлари буни янги замон бошланганининг "расмий эътирофи" дея қабул қилишмоқда.

"ҚОРА ҚУДУҚ"НИНГ ҚОПҚОҒИ ОЧИЛДИМИ?

Хўш, нима қилибди? Энг қудратли бўлган тақдирда ҳам, дунё-

даги минглаб дата-марказлардан бири, ҳоло. Аммо гап шундаки, ўтган йили баҳорда Nvidia (бозор қиймати 4,5 триллион доллардан ошган йирик корпорация) – Blackwell архитектурасидаги янги чипларини Ultra версияларини сота бошлади. Улар олдинги H100 ва H200 моделларидан бир неча баробар кучлироқ. Шу тирноқдек "маток"нинг ичига 208 миллиард транзистор жойлаштирилган. 4 нанометрлик технология асосида яратилган. Яъни, транзисторлар орасидаги деворнинг қалинлиги 15-20 та атом! Сочимиз толасидан минглаб марта кичкина. Сониянинг миллиарддан бир қисмида триллионлаб амални бажара олади.

Буни тушуниш учун болалигимиздан яхши таниш "Рассвет" телевизорини эслаш кифоя. Ёдингизда бўлса, ўша қадимий кутубда бор-йўғи 14 та лампа бор эди. Шу лампалар транзисторлар вазифасини ўтаган. Энди 208 миллиарднинг ичига 14 та лампа билан солиштиринг. Мия ишламай қолади, шундай эмасми? Битта тирноқдек чип 30-35 йил аввалги бутун бир катта шаҳарнинг жами телевизорлари ва барча электротехникадан сон-саноксиз марта "ақллироқ"!

"Colossus-2" кластерида аввалги H100, H200 чипларидан ташқари ана шу "Қора қудуқ"дан 555 минг донаси ўрнатилган. Бу рақам жорий йил охиригача 1 миллионга етказилади.

Nvidia бу билан тўхтамоқчи эмас. Кузда Rubin типидagi янги чипларни сотувага чиқаришни режалаштирмоқда. У 3 нанометрлик технологиялар асосида ишлаб чиқарилади ва Blackwellдан бир неча баробар кучлироқ бўлади. Сунъий интеллект технологиялари етакчилари ҳозирнинг ўзида Rubinga турнақатор навбатда туришибди. Аммо Nvidia бу янгиликни ҳам биринчилардан бўлиб "xAI", яъни "Colossus-2"га бермоқчи эканини айтган.

Компаниянинг апрелда эълон қилган янги NB-Cell лойиҳаси эса булардан ҳам ўтиб тушди. Унга кўра, янги, янада самарали чипларни лойиҳалаштириш ишлари эндиликда тўлалигича маҳсулоти сунъий интеллект тизимларига ўтказилди. Яъни, СИ ўз миёсини ўзи такомиллаштира бошлайди ва бу жараён аввалги муҳандислар томонидан қилинганидан кўра юзлаб марта тезлашади.

СУПЕРИНТЕЛЛЕКТ ҚАЧОН ЯРАТИЛАДИ?

Хисоблаш қувватининг бу каби муттасил ортиши инсониятга нима беради?

Мутахассислар сунъий идрок технологиялари тараққиётини асосан уч босқичга ажратдилар. Биз ҳозир фойдаланаётган СИ – AI векторли хисоб-китоб таомилларига таянади. Улар муайян вазифани бажаришга йўналтирилган тил моделлари экани, мустақил равишда "терминатор"га айланиб кетмаслигини бугун барчамиз тушуниб етдик.

Бироқ сўнги пайтларда йирик корпорациялар диққат марказида турган ва шиддатли изланишлар олиб бориладиган сунъий тафаккурнинг мутлақо янги поғоналари мавжуд: булар – AGI (умумий сунъий интеллект) ва ундан кейинги ASI (сунъий суперинтеллект) босқичларидир. Сэм Альтман ва Илон Маск каби етакчи муҳандисларнинг фикрича, AIдан AGIга ўтишнинг йўли – "масштаблантириш", яъни, маълумотлар базаси ва хисоблаш қувватларини тасаввурга сифмас даражада кенгайтиришдир. Чипларнинг яшин тезлигида микролашаётгани, маълумотлар марказлари қувватининг соат сайин ошиб бораётганидан кўзланган асл мақсад ҳам айнан AGI поғонасига етиш. Буни бугун бирор корпорация яшириб ўтиргани йўқ. Хусусан, "OpenAI" ва "xAI" каби компаниялар ўз низомида умумий сунъий интеллектга эришишни бош стратегик мақсад сифатида белгилаб қўйган.

Масштаблантириш муайян чўққига етгач, у оддий теорияни жи-

соблаш қолипни ёриб чиқади. Қоғозга туширилса, ноллари ўнлаб саҳифаларга сиймайди мурраккаб нейрон боғламларидан иборат, ўзини мустақил англай олувчи ASI – сунъий суперинтеллект яратилишига бор-йўғи чорак қадам қолади.

Ўтган йилнинг декабрида Давосда ўтган Жаҳон иқтисодий форумида эса "Colossus-2" тизими имкониятлари сабаб 2026 йил якунига қадар AGIга эришиш истиқболлари жуда жиддий муҳокама қилинди. Демак, инсоният ўздан неча чундон заковатли ва қудратли кичкин яратишдек ортага қайтмас йўлга қадам қўйиб улгурди. Бу шиддатли эвристикнинг интиҳосини эса бугун на йирик олимлар, на нуфузли сиёсатчилар башорат қила оляпти.

"УЙҒОН ЎҒЛИМ, ТУР ЎҒЛИМ!.."

Албатта, юқорида келтирилган конспиролог фаразлар – "Ғунгиллоқ" сирларидан мақоланинг жозибасини ошириш ҳамда техник атамаларнинг "оғир" юқини энгиллатиш учун фойдаландик. Аммо буларнинг бирортаси тўқима эмас. Биз фақат дунёнинг нариги чеккасида муҳокама қилинаётган тасодиф ва қарашларни бир нуқтага жамладик, ҳоло. "Jadid"нинг тафаккури банд ўқувчиси бу "бўёқлар" ортидаги ҳолис ҳақиқатни дарров англашига ва керакли хулосага кела олишига ишончимиз қомил.

Кечагина 14 та лампали "Рассвет"ни мўъжиза деб юрган миллатимиз бугун Blackwell ва Rubin платформалари даврига қадам қўйди. Бу жараёнлардан кўришиб турибдики, "Рақамли Ўзбекистон – 2030" стратегияси шунчаки режа эмас, балки рақамли оламда тирик қолиш буйруғидир. Президентимиз томонидан СИ технологияларини жорий этиш буйича қабул қилинган тарихий қарорлар, Google ва Amazon каби гигантлар билан эришилган келишувлар – бизни "рақамли зиндон"дан олиб чиқишга қаратилган муҳим қадамлардир.

Халқаро экспертлар аҳолиимизнинг 70 фоизини ташкил этувчи ёшларни "технологик сакраш" учун асосий трамплин сифатида кўришмоқда. Бу – мислсиз куч. Яқинда тақдим этилган "Bopu AGI" миллий сунъий интеллект тизими бу йўлдаги дастлабки жасоратли ҳаракатлардан бири бўлди. Ишлаб чиқувчи йигитларимиз "AGI" (умумий сунъий интеллект) аббревиатураси ортига қандай техник кўламини яшириганини билмадигу, аммо буни юксак марранинг ифодаси, деб тушундик. Зотан, Беруний, Хоразмий, Улугбек ва Навоий авлодларига айнан мана шундай амбициялар ярашади, йигит-қизларимиз ҳам уйғонганини, дунёга етишига юришга қаттиқ бел боғлаганини кўрсатади.

Аммо биз ҳали Neuralinkнинг "рақамли био-симбиоз" борасидаги ютуқлари, Хитойнинг SiC (кремний карбид) тармоқлари, "абдий" ишлайдиган хафсиз атом аккумуляторлари, Atlas каби инсонсимон роботлар, 3D-принтерлар ва VR технологияларнинг кундалик ҳаётимизга таъсири, ҳатто RealDolls индустриясининг сунъий тери ва мушаклар соҳасидаги муваффақиятлари ҳақида гаплашмадик. Уйлаймизки, келгуси сонларда буларга ҳам навбат келади. Буларнинг ҳар бири бир-бирини тортиб кетувчи занжирли жараёнлардир. Квант технологияларидан биттагина муваффақият қолган барча соҳаларда "портлаш" эффектини бериши мумкин.

Биламизки, технологик пойгада шафқатга ўрин йўқ. Ё тизимнинг маълум стратегик қисмига айланасиз ёки четда қолиб, бошқаларнинг алгоритми асосида яшасиз. Бизнинг танловимиз эса аниқ: уйғонив ва Хоразмий бобомиз каби дунёнинг янги рақамли алгоритмини тузишда асосий иштирокчилардан бирига айланиш.

Зеро, келажак қутилмайди, у яратилади!

Улуғбек ИБОДИНОВ





ОЛАМ ОЛИМИ



Серж АРОШ

Квант физикасида

инқилобий тадқиқотлар
олиб бораётган нобелчи

Узоқ вақт давомида кўплаб квант ҳодисаларини фақат назарий жиҳатдан ўрганиш мумкин эди. Серж Арошнинг квант тизимларини аниқ назорат қилиш ва ўлчаш бўйича олиб борган тадқиқотлари микродунёдаги жараёнларни чуқур тушуниш учун йўл очди. Олимнинг ишлари квант информатикаси, квант ҳисоблаш ва юқори аниқликдаги ўлчаш технологияларининг ривожланишига муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

МУВАФФАҚИЯТ САРИ

Серж Арош 1944 йил 11 сентябрда Марокашнинг Каса-бланка шаҳрида туғилган. Зиёлилар оиласида улғайган болакай илм-фанга меҳр кўйди. Оиласи билан Францияга кўчиб ўтган, нуфузли таълим муассасаларида ўқий бошлади. Олий маълумотни Париж университетидан олди. 1971 йилда у машҳур физик Клод Коэн-Таннужи раҳбарлигида Пьер ва Мария Кюри университетидан докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Франциядан ташқари, АҚШнинг Стенфорд, Ҳарвард, Йель университетларида фаолият юритган ҳамда илмий изланишлар олиб борди.

ИЛМИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Олимнинг асосий тадқиқотлари квант электродинамикаси ва фотонлар билан атомларнинг ўзаро таъсирини ўрганишга қаратилган. У махсус резонаторлар ёрдамида фотонларни тутиб қолиш ва уларни йўқ қилмасдан кузатиш усулларини ишлаб чиқди. Мазкур усуллар квант тизимларининг ҳолатини бузмасдан ўлчаш имконини берди. Бу эса квант физикасидаги энг мураккаб масалалардан бири – “ўлчаш муаммоси”ни ҳал қилишга яқинлаштирди.

Серж Арошнинг илмий ишлари замонавий технологиялар ривожига катта таъсир кўрсатди. Хусусан, квант компьютерлар, юқори аниқликдаги сенсорлар яратиш, квант криптография ва ахборот хавфсизлиги каби соҳаларда унинг тадқиқотлари назарий ва амалий жиҳатдан асос бўлиб хизмат қилмоқда.

ЭЪТИРОФ

2012 йилда Серж Арош ва Дэвид Уайнлендга “индивидуал квант тизимларини ўлчаш ва бошқариш имконини берувчи инновацион экспериментал усуллар учун” физика бўйича Нобель мукофоти берилди.

Шунингдек, олим Франциянинг олий даражадаги “Фахрий легион” ордени, АҚШ, Германия, Швеция, Чехия тадқиқот марказлари таъсис этган мукофотлар ҳамда Халқаро квант алоқаси мукофотига лойиқ қўрилган.

СЕРЖ АРОШ ЎЗБЕКИСТОНДА

Яқинда пойтахтимизда ўтказилган “Келажак муҳандислари” халқаро фестивали доирасида Серж Арош мамлакатимизга ташриф буюрди. Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги олий ўқув юрларида ўтказилган учрашувларда ёш тадқиқотчилар ҳам иштирок этди. Олим квант оламида кечаётган замонавий ўзгаришлар ҳақида сўз юритиб, бой илмий тажрибаси билан ўртоқлашди. Шунингдек, у янги кашфиётлар ортидаги мураккаб жараёнлар ва илмий изланишлардаги сабр-тоқатнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

Жасмина ИСРОИЛ тайёрлади.

САНА

Давид

ҚАҲРАМОН

Май ойининг бошланишида нафақат қорақалпоқ ва ўзбек, балки туркий дунё адабиётининг улуғ намояндалари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари Ибройим Юсупов ва Тўлепберген Қаипберген таваллуд топган. Иккаласи ҳам бир йилда – 1929 йили бешинчи ва еттинчи май санасида дунёга келган.

Халқимизнинг ардоқли фарзандларига айланган бу икки улуғ ижодкорнинг унутилмас хотираси ва адабий мероси муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг юксак эътибори туфайли Янги Ўзбекистон замонида чинакам қадр топди. Миллий боғ худудидаги Адиллар хиёбонида адабиётнинг буюк намояндалари қаторида ҳар икки адибга муҳташам ёдгорлик ўрнатилди, Нукусда Ибройим Юсупов ижод мактаби ташкил этилди, Тўлепберген Қаипберген хотираси абадийлаштирилди, 2019 йили таваллудларининг 90 йиллиги мамлакатимиз миқёсида кенг нишонланди, юксак ноширлик санъати асосида “Танланган асарлар”и нашр этилди. “Туркий адабиёт дурдоналари” номли юз жиллик китоблар жамланмасининг 35-жилди Ибройим Юсупов, 36-жилди Тўлепберген Қаипбергеннинг энг сара асарларидан таркиб топган.

Тўлепберген оға билан Ибройим оға бамисоли эгиздек яшади, ижод қилди, адабиёт шарафини кўкларга кўтарди. Мустақиллик йилларида бадиий ижод оstonасига қадам қўйган бизнинг авлод вакиллари бу икки устоз билан учрашиб, суҳбатлашиб, уларнинг маҳорат сабоқларидан баҳраманд бўлиш бахтига муяссар бўлганмиз. Уша давр газета-журналлари саҳифаларида уларнинг асарларидан ўйриган таржима-маларимиз, умумхалқ байрамлари муносабати билан ташкил этилган суҳбатларимиз эълон қилинган. Бу унутилмас адабий суҳбатлар бизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Тўлепберген оғанин “Совуқ бир томчи” номли илк киссаларидан бирини замонавий ўзбек адабиётининг улуғ намояндаси Абдулла Қаҳҳор ўзбек тилига таржима қилган ва қорақалпоқ ёш ижодкорини амалий қўллаб-қувватлаган. 2003 йили Нукусда “Билим” нашриётида чоп этилган “Йўл-йўлакай учрашганларнинг ҳозиргача фақат 999 саволига йўл-йўлакай берган жавобларим” номли китобидаги суҳбатиде муҳбирнинг: “XX аср атоқли ўзбек ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорни устоз сифатида тан олмасми? Агар шундай бўлса, устозингизнинг қандай насиҳатлари эсингизда қолган?” деган саволига Тўлепберген оға шундай жавоб берган:

“Биринчидан, шуни билиб қўйинки, ўтмишдаги улуғ шоирлар яратган ўзбек адабиёти – бутун жаҳон ёзувчилари учун бетакор устоз! Ана ўша бетакор устознинг асарларидаги бадиий маҳорат силари ўтида қайнаб тобланиш билан Европа адабиётининг тиниқ қаймоқларида обдон чўмилган Абдулла Қаҳҳорни бир мен эмас, ҳатто ўз тендошлари ҳам устоз деб тан олар эдилар. Саволингизнинг иккинчи қисмига келсак, устоз Абдулла Қаҳҳорни кўпроқ ҳайрон қолдирадиган бир ҳолат – туркийзабон халқлар адабиётлари ўртасидаги борди-келдининг кўнгилдагидек эмаслиги эди. Шуларни ҳисобга олгани учунми, баъзи учрашувларимизда: “Адабиёт атомдан кучли, лекин унинг кучини ўтин ёришга сарфламаслик керак”, деб қўяр эди. Шу билан бирга, у адабиётимиз келажиги ҳақида жон куйдириб, ўлмас Умарбеков, Учқун Назаров, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шукр Холмирзаевни ўзбек адабиётининг оғир кемасини буюк келажакка қараб элтадиган даргалар сифатида айрича меҳр билан таърифлар эди. У киши: “Мен айтган истеъдодли ёшлар билан қаним дўст бўл”, деганларини ҳеч қачон унутмайман”.

Тўлепберген Қаипберген устози Абдулла Қаҳҳор ишончини оқлаб, катта ёзувчи бўлиб етишди. Йирик романлар ёзиб, қорақалпоқ ва ўзбек адабиётини бойитди. Устоз Абдулла Қаҳҳордан сўнг ёзувчининг асарларини Илбос Муслим, Отаули, Музаффар Аҳмад ва бошқа ижодкорлар ўзбек тилига ўғирди.

Айни вақтда Ибройим Юсупов шеърларини илк бора йигирманчи аср шеърятимиз даргалари Миртемир, Зулфия ўзбек тилига таржима қилган. Аллома шоир Ғафур Ғулом ёш ижодкорга дуо берган. Ушбу ибратли устоз-шоирлик муносабатлари ва ижодий



ҳамкорликларни Ибройим Юсупов шеърларида такрор-такрор таъкидлаб ўтган.

**Ҳар бир кўчасида меҳмон бўлганман
Шайхонтохур, Қўйлик, Эски Жўвасин.
Сўзин тинглаб, неча марта олганман
Ғафур, Ойбек, Миртемирлар дуосин...
Зулфия яратса шўхона байтлар,
Тингланганмиз, гўзаллигин сезганмиз.
Абдулла Орифлар, Эркин Воҳидлар
Билан пасткам қолмай, бирга кезганмиз.**

Ибройим оғанин шеър дostonларини Шухрат домла, Жуманиёз Жабборов, Азиз Абдураззоқ, Барот Бойқобилов, Хусниддин Шарипов, Нормурод Нарзуллаев, Абдулла Орипов, Маъруф Жалил, Муҳаммад Али, Ойдин Хожиева, Омон Матжон, Музаффар Аҳмад, Янгибой Қўчқоров каби кўплаб ижодкорлар ўзбекчага таъдил қилган. Оғанин шеърларини бугунги ёшлар ҳам она тилимизга ўғираётгани қувонarli ҳолдир.

Ибройим Юсупов “Тошкентлик дўстларимга”, “Менинг йигит вақтим, сенинг қиз вақтинг”, “Мен Тошкентни соғинаман кўрмасам”, “Мустақиллик майдонидан ўтганда” каби шеърларида дўстлик, ватанпарварлик, оғзибирчилик, мустақилликка садоқат туйғуларини юксак бадиий маҳорат билан тараннум этган.

**Мен Тошкентни соғинаман кўрмасам,
Эзда Анҳор бўйларида юрмасам,
Ширинзабон ўзбек шоирларидан
Ғазал тинглаб, мен шеър ўқиб бермасам,
Мен Тошкентни соғинаман кўрмасам.**

Тўлепберген Қаипберген ва Ибройим Юсуповнинг тақдирини бир, ижод йўли бир, куйлаган мавзулари бир, орзу-мақсадлари муштарак. Бир юртда, бир йилда, бир ойда туғилиб, юраклари бир-бирига ҳамоҳанг урган улуғ устозларнинг асарларини бугун қайта-қайта ўқиймиз, ибрат оламиз.

Тўлепберген Қаипберген ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига серкатнов эди. Самимий ва оқўнгиллиги, айниқса, ёшларга меҳрибонлигига кўп гувоҳ бўлганман. Бир сафар шогирди Алланазар Абдиевни эргаштириб келди. Унинг “Эран Сахий” номли киссасини Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси масъул котиби, наср кенгаши адабий маслаҳатчиси, таникли адиб Раҳимжон Отаевга таржима қилиш учун тавсия қилганида ўта муҳим юмушни адо этгандай қониқли ҳосил қилганини сезганман. Асар “Шарқ юлдузи” журналида чоп этилиб, Алланазар китобхонлар меҳрини қозонди.

Кўпчилигимиз Тўлепберген оғанин ўғитларини, саволларимизга берган жавобларини ҳамон эслаб, бир-биримизга гапириб юрамиз. Устознинг чечанлик билан айтган фикрлари, теша тегмаган иборалари, топқирлиги бизни ҳайратлантирарди. Бир гал кимдир Тўлепберген оғага: “Ҳаммуаллифликда ёзилган асар ҳудди бир машина рулини икки киши бошқарганга ўхшайди. Агар машина ҳалокатга учраса, кимни айблаб, жазога тортишни билмай-сиз?”

Устоз яна бир суҳбатда ҳаёт ва ижод йўлини сарҳисоб қилиб: “Мустақиллик ҳаётимдаги энг қувончли, энг муҳим воқеадир!” деган эди. “Ватанпарварлик нима?” деган саволга эса шундай жавоб берганди: “Ватанпарварлик – бу биринчи навбатда, халқига, Ватанига чин маънодаги муҳаббат. Рус ёзувчиси Алексей Николаевич Толстойнинг сўзлари билан айтганда:

билан калтакланиши мумкин. Жазо охириги чора сифатида қўлланади. Бу ҳақда “The Guardian” хабар берди.

Парламентда муҳокама қилинган янги қондаларга кўра, ўғил бола ўқувчилар таёқ билан уч мартагача урилиши мумкин. Таълим вазири Десмонд Ли қонунчиларга ушбу жазонинг қўлланиши бўйича тушунтириш берди. Унинг айтишича, калтаклаш жазоси фақат бошқа барча чоралар натижа бермаганда ва қоидабузарлик жуда оғир бўлганда қўлланади.

“ҚАМАЛ”ДАГИ КЕМАЛАР



Яқин Шарқдаги уруш туфайли Форс кўрфазига 20 минг денгизчи қолиб кетган. БМТнинг оғохлантиришчи, Ҳормуз бўғози ёпилиши оқибатида кемалар экипажи “қамал”га тушиб қолган. Бу ҳақда “CNN” хабар берди.

“Ватанпарварлик – бу ўзингни ватаннинг ажралмас бир бўлаги сифатида ҳис этиш, унинг ўтида ёниш, сувида қайнаш. Нафасинг узилгандан кейин унинг муқаддас тупроғига сингиб кетишни орзу қилиб яшаш”.

Ибройим Юсуповнинг Ватанга, эл-юртга хизмат қилиш ғоялари билан сўғорилган шеърлари ҳамиша долзарб бўлган. Шоир шеърлари қанотли ибораларга, фалсафага бой.

**Ерга хизмат қилмай пўлат пазалар
Юзлари ялтираб очилмас зинҳор.
Элга хизмат қилмай кучли йигитлар,
Ўзни эркак санаб керилса, бекор.**

Ҳикматли сўзга айланиб кетган ушбу мисраларида инсон ҳаётининг моҳияти нимадан иборат экани ёрқин ифодаланган. Омочнинг ерни шудгор қиладиган темир тиши қорақалпоқчада “пазна” дейилади. Экин экиб, деҳқончилик қилган киши яхши билади: кетмон ерни қанчалик кўп чопса, темир юзи шунча ялтираб очилади. Пазна ҳам қанчалик кўп шудгор қилса, уни тупроқ шунча ярқиратиб юборади. Ўз навбатида ер меҳнат қилган кишидан саховатини аямайди. Ҳосил мўл бўлса, халқ тўқ бўлади. Ишлатилмай, бекор ётган меҳнат қуроли эса занглаб қолади. Пазна-омочлар, кетмону белқурақларни доимо ишлатиб турадиган заҳматқаш инсонлар керак эл-юртга. Шоир ҳаётдаги ана шу мисолдан келиб чиқиб, йигитлар қанчалик зўр ва барваста бўлмасин, агар ўз эл-юртига, халқига хизмат қилмаса, улар эркак саналмайди, деган теран мазмунли фикрни ифодалади. Ташхис, параллелизм, истиора санъатининг ёрқин намунаси Ибройим Юсуповнинг шеърларида олмосдай жилоланади.

Чексиз даштлар, бепоян кенгликлар табиати, у ерларда яшаётганларнинг беғубор кўнгли, мардона феъли қанотли сўзлар, кўп қатламли иборалар билан ифодланади.

Одамнинг силласини қуриладиган иссиқ об-ҳаво, саробларни мавжлантириб, кўзни тиндириб юборадиган кўёш шоир шеърятинида чиройли, меҳрибон, сахий қиёфада тасвирланади. Юракдан чиққан сўзлар жоноҳан Ватанга оташин муҳаббат изҳори бўлиб янграйди. Ватанни севган одам, унинг офтобини ҳам, чўлини ҳам, бўстонини, жазирама иссигини ҳам, қаҳратон совуғини ҳам севади.

**Чумчуқдан ким кўрқса экмийди тарик,
Иссиқ-совуқга кўнликдк бутун.
Олмаси чойнақдай Тўртқул боғлари
Кўниси ахир қандай пилмоғи мумкин?**

Иссиқ-совуқ деган сифатлар физик ҳодисанигина англатмайди. Улар руҳий ҳолатни, азов-укубат, ғаму шодлик каби тушунчаларни ҳам билдиради.

Мана, қуёшнинг яна бир сифатини шоир қандай ранглаб билан беради:

**Бугдойранг болалар юзидан бу дам
Аму суви билан томар кун нури.**

Бу дарёда чўмлаётган болаларнинг оддийгина сурати эмас. Амударё бўйида туғилган, ўтдан чиқиб сувга кириб, сувдан чиқиб ўтга кириб яшаётган элнинг тимсоли чизилган бу шеърда. Она дарёда баданларидан сув томчилаб чўмлаётган бугдойранг болалар. Кўёш нурида юзларидан тер оқиб югураётган бугдойранг болалар...

Ибройим оға “Айт сен Ажиниёз қўшиқларидан” номли шеъринида мумтоз шоирларнинг сўз санъатида яратган сийоатларини, сўзининг қудратини бетакор тимсоллар воситасида тасвирлайди:

**Юлдузларни ерга қаратмоқ бўлсанг,
Ёмон шоирларни уялтмоқ бўлсанг,
Агар мен ўлганда тирилтмоқ бўлсанг,
Айт сен Ажиниёз қўшиқларидан.**

Шоирни қайта тирилтирадиган куч – шеър, Ажиниёз каби шоирларнинг ўлмас ва умрбоқий шеъри.

Ибройим Юсупов ва Тўлепберген Қаипберген ҳам ана шундай умрбоқий ҳаёт, умрбоқий ижод соҳибларидир. Икки улуғ ижодкордан бизга улкан адабий мерос қолган. Уларнинг асарларини таржима қилиш, ўрганиш ва тарғиб этиш давом этади. Учинчи Ренессанс мақсадини кўзлаб аҳилликда меҳнат қилаётган халқимиз учун икки қаҳрамон адибимизнинг ҳаёт ва ижод мактаби сабоқлари муҳим аҳамиятга эга.

Рустам МУСУРМОН,
Қорақалпоғистон халқ шоири

ЖАҲОН АЙВОНИДА

СИРЛИ АҚШ

АҚШнинг собиқ президенти Барак Обама айтишича, агар ҳукумат ҳақиқатан ҳам ўзга сайёраликлар билан учрашганида, буни узоқ вақт сир сақлаб қолиш мумкин эди. Бу ҳақда у “CBS” телеканалдаги интервьюсида айтиб ўтган.



Обаманин сўзларига кўра, Вашингтонда сир сақлаш кафолатланмаган.

Собиқ президентнинг фикрича, айнан шу сабабли агар “АҚШ ҳукумати назоратидаги қандайдир жисм” ҳақиқатан ҳам пайқалган, қўрилган

ёки суратга олинган бўлса, бу маълумот эртамикечми нафақат ҳукуматга, балки жамоатчиликка ҳам ошкор бўлар эди.

РОБОТ-РОҲИБ



Жанубий Кореяда робот махсус маросим орқали буддавийлар жамоасига қабул қилинди. Бу ҳақда “Yonhap” агентлиги хабар берди.

Маросим Жоге Ордер буддавийлик орденида бўлиб ўтди. Сеулдаги тадбир давомида инсон-роҳиб: “Муқаддас таълимотга ўзининг бағишлашга тайёрмисан?” деб роботдан сўраган. Робот эса: “Ҳа, мен унга ўзимни бағишлашга тайёрман”, деб жавоб берган.

Шундан кейин руҳоний устоз робот учун

махсус мослаштирилган бешта буддавийлик қоидасини тушунтирган. Улар орасида: ҳаётни ҳурмат қилиш ва зарар етказмаслик, бошқа роботларни бузмаслик, инсонларга қўлоқ солиш ва уларга қарши чиқмаслик, сўзда ҳам, ҳаракатда ҳам алдамаслик, энергияни тежаш ва ортиқча қувват олмаслик каби қоидалар борлиги айтилган. Сўнг роботга буддавий “Ғаби” номи берилган.

БЕЗОРИ ҲАҚИҚАТ
КАЛТАКЛАНАДИ

Сингапур мактабларида янги қоида жорий этилди. Эндиликда бошқаларни ҳақоратлаган ёки безорилик (буллинг) қилган ўғил болалар, жумладан, кибербезорилар ҳам таёқ



БМТнинг Халқаро денгиз ташкилоти вакили Демизан Шевале бу ҳолатни гуманитар инқироз деб баҳолади. Унинг сўзларига кўра, денгизчи-лар саккиз ҳафтадан бери очик денгизда қолмоқда ва бундай ҳолат илгари ҳеч қачон кузатилмаган.

КОРЕЯ БИРЛАШМАЙДИМИ?



Шимолий Корея ўз конституциясидан Жанубий Корея билан бирлашишга оид барча бандларни олиб ташлади. Бу ҳақда “Deutsche Welle” хабар берди.

Бу Пхеньян 1948 йилдан бери таъкидлаб келатган сиёсатидан ошқорча воз кечганини аналатади. Бунгача мамлакат расман бирлашиш йўлидан боришни айтиб келарди.



Бошланиши 1-саҳифада.

– Чурра?! Умуртқадан бўлса, розиман. Сиз бор-куй!

Юнус ака кулиб юборди.

– Устозинг зўр жарроҳ, – деди “Чағониён”нинг бош муҳаррири Зоир Мамажонни назарда тутиб. – Сен орқадан урилган пичоқ эмас, скальпелсан. Умуртқамни кутқардинг. Маслаҳатим – курол бўлма! Айниқса, ўз устозинга қарши. Ана шунда узоққа борасан. “Қо-оч, Ҳо-жиқулов...!!!”ни сен ёзгансан-а!?

– Ҳаммуаллифликда. Эгам Дўст билан.

Гап шундаки, 2003 йили бир мактаб пахта мавсумида кунлик режани бажармагани учун туман ҳокимининг биринчи ўринбосари директорни қувалаб урган, “Қо-оч...” шу ҳақда эди. Юнус ака кимларданман, уруғ-аймоғим, қавму қариндошларим ким, эринмай суриштирди: “У бундай, бу ундай... Сен бу феълни, – қитмирликни демоқчи, – кимдан олгансан?”

Қисқаси, ўша куни мен... ўзим билан танишдим.

2. МЕН КИММАН?!

Коинот – энига ҳам, бўйига ҳам юз миллион ёруғлик йилига тенг масофани ўз ичига олган, лаҳза сайин кенгайиб бораётган доира. Бу доира ичидаги катта-кичик юлдузлару галактикалар, қора тунуқларнинг сон-саногой йўқ. Улар олдида Ер шарни кум заррасидай, балки унданам миллиард баробар кичик бир зарра, шу “зарра” ичидаги одамниқу, энди, айтмас ҳам бўлаверадиди, йўқликнинг йўқлиги даражасида. Шундай экан, мен кимман ўзи, бундай улканлик олдида қандай кадр-қимматга эгаман?!

Ҳа, коинот шу қадар улкан доираки, Яратган Эгам, истаса, бундай доирадан минг, миллионгача ҳам гапми, чексизликнинг чексиз даражаси микдорида яратишга қодир! Ва бу... Унинг кўп нуқта қўйишдайдиган гап. Ана шундай қудратли ва буюк Зот... одам боласидан триллион марта катта дунёни пашшанинг қанотича кўрмай, пашшанинг қанотича чиқмайдиган Одамни ўз халифаси, ердаги ўринбосари деб билди. Унинг наздида, демакки, менинг ҳам қандайдир кадр-қимматим бор, арзимас бир нарса эмасман. Ўзимни на ерга уришга, на кўкка кўтариб, кибрланишга ҳақим бор, чунки “ҳеч”лик ҳолида қандайдир аҳамиятга эгаман. Мени шундай буюк эътиборга ноил қилган ўша “ҳеч”ликнинг моҳияти ниманда? Янаям соддароқ айтганда, бу қадар ожиз, бу қадар “ҳеч”лигимга қарамай, мени дунёлардан аҳамиятлроқ қилган кадр-қимматим, мазмуним ниманда: генимдами, “мен”имдами? Ишқта-лаблигим, балки... “Шухрат”лигим учун “Азиз”дирман (ҳазил)?!

3. МУҲТАРАМЛИК

Мактабда бизга астрономия фани ўқитилмаган, мутахассис йўқлигидан. Уроқов эса космик илмлар ишқибози, тириклик эволюциясида осмоннинг “кўли” бор, чунки денгиз суви ой таъсирида кўтарилган вақтдагина бир ҳужайра иккига бўлинадиди ва бу – кўпайиш жараёнининг айнан ўзи”, деб ҳисобларди. Ёлғиз қолган кезларимда Юнус аканинг кўзи билан осмонга қараб, шуни билдимки, нафақат коинот, ҳатто Вақт бир нуқтадан бошланиб, бошқа бир нуқтада тугайдиган, замонсиз маконлар бор экан. Қизиги, ўша замонсиз маконлар ҳам, жаннату дўзах ҳам, кашф қилганим сари тобора улуғлашиб бораётган Аллоҳнинг азамати ва қудрати ҳам... англаганим сайин баттарроқ ҳечлашаётган ақлимга, ўзимга сизар эди. Бироқ ёруғлик тезлигидан тез хаёлим у ёқда турсин, бурнимдан нарини кўрмайдиган торғина кўзимга сиққан чексизликнинг лоақал бир зарраси мендан триллион марта катта бўлса-да, бу дунёга сизмасди.

– Кичиклик – бу қадрсизлик, дегани эмас, – тушунтирганди Юнус ака. – Коинот қаршидаги “ҳеч”-лигимизга келсак, бу – физиканинг ҳақиқати. Қадр ҳақидаги савол эса

СЎРОҚ ОСТИДАГИ НУҚТА



маъно оламига оиддир. Маъно оламида яратилган катта-кичиклиги аҳамиятсиз. Зеро, Аллоҳ чуқулини яратишдан уялмаган; чунки атом кичик, аммо у оламнинг асосини ташкил этади; нейрон ҳам микро-скопик, аммо миллионлаб нейронлар онгни, тафаккурни, “мен”ни пайдо қилади. Инсон ҳам худди шундай: физикада – зарра, маъно оламида – **марказ**.

Исплом таълимотиға кўра, инсон қадрининг манбаи – “руҳ”. Чунки Аллоҳ унга ўз руҳидан пуфлаган. Бу – Илоҳий салоҳият дегани. Илоҳий салоҳият эса ақл, ирода, ифода, меҳр, тасаввур, ижод, танлаш масъулияти демақдир. Яъники, Инсон коинотдаги барча жонотлардан фарқли равишда яхшиликни ёмонликдан ажратади; маъно киди-ради; яратишга интилади; танлайди; жавобгарликни ҳис этади; ўзини ва борлиқни англашга уринади.

– Коинот ҳар қанча катта бўлмасин, ўзини англаёлмайди. Инсон эса кичик, лекин у ўзича борлиқни идрок этади. Бу ғаройиб парадокс: катталик қадрни белгиламайди; идрок белгилайди. Хўш, бу ўринда Инсоннинг “халифа”лиги, аслияти қандай маънога, қандай аҳамиятга эга? – Моҳиятан, “халифа” – ҳукмдор эмас, балки масъул, амин, яратиш, ўзгартириш, муҳофазат қилиш қобилиятига эга мавжудот. Аллоҳ аввал коинотни, сўнг унга маъно берувчи мавжудот – инсонни яратган. Ана шу маъно инсон қадрини белгилайди: сен яраталасан; сен севишинг, кечиршинг, ироданг билан ёмонликдан қайтишинг мумкин; ва ниҳоят, СЕН... маъно топа олсан! Бу сифатлар физикада эмас, генда эмас, руҳий моҳиятда акс этади.

Инсоннинг қадр-қиммати – унинг маъно яратиш қобилиятида. Қадримизни белгилайдиган нарса жисимиз ҳам, ақлимиз ҳам, жонимизнинг биологик функцияси ҳам эмас. Одамнинг том маънодаги қадри – англаш, севиш, ихтиёр эрки, масъулият, маъно яратиш, яхшилик қилиш лаёқатидадир.

– Инсон азизми?

– Азиз, чунки у ўзгартиришга қодир. Азиз, чунки у “мен” деганида, бутун борлиққа муносабатни белгилайди. Азиз, чунки ёмонликка қодир бўлса-да, яхшиликни танлай олади. Азиз, чунки ўзи жуда кичкина бўлса ҳам... нијати ва иродасини чексизликка йўналтириши мумкин.

Ҳа, Инсон чексиз кичикликда чексиз маъно ташувчи мавжудотдир. Унинг қиймати жисмида эмас, балки ақлида – борлиқни идрок қилаётганда; қалбида – меҳр ва инсофда; ихтиёр эркида – танловда; амалида – яратувчиликда; имонидида – маънони тан олишида.

– Сиз айтган ўша Инсонни ўзига ҳос қиладиган марказиз – руҳий

ўзақ – бошқа ҳеч бир нарсада, ҳатто коинотда ҳам йўқ. Шунинг учун ҳам мен чексизлик ичидаги зарра эмасман. Чексизликка маъно берувчи заррадек мавжудотман. Маъно бериш учун эса “мен”га абадий илҳом эликсир – муҳаббат керак.

4. МАЖНУНДАН МАКТУБ

“...Ҳаёт шундай денгизки, ундан бир қўлтум ичдингми, тамом, чанқоғинг босилиш ўрнига ортб бораверадиди. Аҳволинг бора-бора шу даражага етадики, ўнта денгиз ҳам чанқоғингни қондиролмай қолади. Ичидиганинг – хоҳ бир томчи, хоҳ осмонча бўлсин, хоҳиш-ишонинг қандайлигидан қатъи назар, уни тафаккуринг доирасида қайта ишлашинг шарт; ана шундангина бу шўр денгиз... атиги бир томчиса билан... чексиз чанқоғингни қондирисан қодир битмас-туганмас обихаёт манбаига айланади. Акс ҳолда, шу чексиз ва тубсиз уммон қаърида... ташналиқдан нобуд бўласан.

Муҳаббатдан ўсиб чиққан ақл, иймон ва манфаат бирлиги – бами-соли денгиз суви ичмилк сувега айлангандиган ноёб технология; у нафақат ўз пешонага, бутун дунёнинг шўрини артадиган энг ишончли, энг беқадр қурилмадир. Агар сен бу ҳаёт уммонининг лоақал бир қатрасини ўша қурилма чиғиригидан ўтказиб ичсане, аниқ ҳис қилсанки, бу тесқари дунёнинг мантисиға кўра, ҳар қандай манфаат шунчаки одамгарчилик ё меҳр-шафқат тамойилига эмас, шафқатсиз аниқликдаги ҳисоб-китобга асосланган; бундай қатъий ўлчов бирлиги нафақат маънавиятни, керак бўлса, бутун тамаддуни бошқариб, бизни... армагеддонга яқинлаштиради.

Асоси муҳаббат бўлган манфаатнинг ҳисоб-китоби мулк тесқари: “берганинг – ўзингеники, ишқинг – зарар” мантисиға таянади. Чинакам ишқинг мезони, талаби ҳам аслида шу – чексиз меҳр бер ва ол. Ҳар биримиз нафақат одамзот, балки наботот ва ҳайвонот олами ҳам худди ишқ ўз машуқасини севиб-ардоқлагандай чин юракдан сева олсайдик, бу дунёда ҳеч қандай зиддият, муаммо қолмасди. Табиат ва ҳайвонот олами билан ўзаро муносабатни меҳр-муҳаббат билан тартибга солисан, сен учун йирткичлар беозор кийиклар ботир бўлиб қолади. Одамлар шугина ҳақиқатни тушуна олмасанг учун ҳам мен чўлу биббонга бош олиб кетдим ва ҳақлигимни – муҳаббатнинг куч-қудратини амалда кўрсатдим.

Мен кирган чин севиғи йўлида ишқ зотининг тушунмовчилик қурбони бўлиш эҳтимоли катта, шунга қарамай, ишқ ақлидан чексиз-чексиз яхшилик қилиш қурби ва матонати талаб қилинади. Чексиз яхшилик қилиш қурбига эга бўлсанг, имонинг қилиб бўлсинки, ҳимматинг ва жасоратинг билан бу тесқари дунёни ўнағариб қўйишга қодирсан.

Бошини силасанг, қўлинг-ни тишлайдиган зот, агар у йирткич, хоҳ унданам тубанроқ махлуқ бўлсин, ҳеч иккиланмай

қайта-қайта яхшилик қилаверсанг, албатта, енглади ва сенга эл бўлади. Фақат яхшилик қилишдан тўхтамасанг, умидсизланмасанг бўлган. Умидсизлик бу, бор-йўғи, сенинг психологик қопламнг, “бўлди, энди ҳаммаси тугади”, деб ўзингни ишонтирган ёлғонинг, холос. Аслида, бу дунёда ҳеч қандай умидсизликнинг ўзи йўқ: сўраганингни берса – чинакам мўминсан; кечиктириб берса – шукрли, қаноатли, сабрли бандасан; умуман бермасан – суюкли дўстисанки, Яратган Эганг охиратда, албатта, зиёда билан беражак, бунга ҳеч қандай шик-шубҳа йўқ. Шунинг учун ҳам қиёмат бўлиб қолсанг, эҳмоқчи бўлиб турган кўчатингни, албатта, экингни керак...”

Ҳа, агар мен Мажнун бўлганимда, олис келажакка, охирзамон одамларига худди шу мазмунда хат битган бўлардим.

5. САВОЛЛАР

Афсуски, мен Мажнун эмасман. Нега? Ошиқлик қонимда йўқми? Улуғворликнинг суяк суриши хомхаёл бўлса, нега айнан Эргаш Жуманбулбулнинг невараси Жаҳоир Синдоров дунёни лол қолдириб, 19 ёшида шахмат бўйича жаҳон кубогини қўлга киритди? Суяк сурадиган даҳолик, ген нима ўзи? Агар буюклик қон сурса, одамзотнинг гени, ДНКси вақт ўтиши билан ўз хусусиятини ўзгартиради? Ё буюкликка ўхшаб тубанликнинг ҳам қон суриши табиийми? Унда нега вақти-вақти билан Ер юзига пайгамбарлар юбориб турилган? Наҳотки, Ҳобилни ўлдирган Қобилнинг гени тоабд суяк сурса-ю, Мажнуннинг муҳаббати ё нубувват нури муайян муддатдан сўнг ўз кучини йўқотса?! Бугун илми билан Марсни забт этган одамзотнинг гени ўз сифатини, эзгулик хусусиятини йўқотган бўлиши мумкинми? Наҳотки, бугун биз нанкин наботот, ҳайвонот олами, лоақал ўзимизни севишга қодир бўлмасак? Бизга нима бўлганди ўзи? Нега ўтган асрда Ер юзиде бир эмас, икки жаҳон уруши бўлиб ўтди-ю, бутун дунё аҳолиси бир-бирининг “гўштини еди”, камига, яна учинчи жаҳон уруши остонасига келиб қолдик? Нега?!

Экологик фожиалар-чи, бунга ҳам инсон омили сабаб эмасми? Бир қарасанг, саховатли куздан бир томчи обираҳмат йўқ. Бутун эл ёлвориб ёмғир сўрайди. Яна бир қарасанг, дунё аҳолиси сўнгги 30 йилда 2 триллион 300 миллион тонна суви ер бағридан “суғуриб олиб” ичиб қўйган; шимоллий ва жанубий кутб мувозанатини йўқотиб, Ер шарни ўз ўқидан андак силжитган; Кавказ тоғлари ўсиб, Каспий денгизи чекинган; Орол қуриган; Ер юзидеги бошқа кўллаб чўчуқ сувли кўллар ҳам қуриш арафасида; қурғоқчилик; Эрон пойтахтининг қичирилиши айнан шу ўзгаришларнинг жиддий далили сифатида талқин қилинган; нега?!

Ҳаётни мутолаа қилиб билганим: жавоби беҳисоб саволман, аммо мудом бир-бирига ўзаро ғаним Одамзот учун “Мен” чигал муаммо. Тоабд охиддан чиқади тутун, шафқатсиз туюлар ҳаёт сабоғи. Ечасам, чиқаверар ту-

гундан тугун, савол чиқаверар, йўқдир адоғи. Аслидан узоқлаб насллар “мен”и, асллар наслдан абад уятда. Айнирми ё Одам Атонинг гени дош бера олмасдан абадиятга?

6. ГЕН АБАДИЙМИ?

Флешкамдаги эски қайларни текшираётим, 2007 йилда ёзилган бир мақоланинг хомашёсини топиб олдим. Матн ҳафсала билан ёзилгану “Чағониён” ижтимоий-сиёсий газета бўлгани учунми, негадир, илмий-фалсафий фаразлар мақоладан чегириб қолинган. Юқоридаги мусохаба айни фикрларнинг қаймоғи эди. Ушанда Денов туман Тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, гематолог Юнус Уроқовга шундай савол берган эканман:

– Ишончим комилки, Одам Ато билан ички ва ташқи тузилишимиз, қонимиз ҳам, кўзёшимиз ҳам бир хил. Орамиздан қанча вақт, давру даврон ўтди, билмайман, аммо ўзаро умумийлигимиз мутлақо ўзгармагани, шубҳасиз. Хўш, Одам Атонинг гени, ДНКси абадиятга дош бера оладими?

Қоншунос акаимиз бу саволга уч йўналишда жавоб берган экан:

1. Биологик жиҳатдан: ДНК – организмнинг қурилиш лойиҳаси. Наслдан наслга ўтади. Одам Ато билан сиздаги умумий ДНКнинг асосий қисми бир хил тартибдаги кодификацияга эга. Чунки бу биологик турнинг ўзи шундан иборат. Аммо ДНК абадий эмас. Мутациялар ва ўзгаришларга учраб, вақт ўтиши билан генда оз-оздан ўзгаришлар йиғилади. Теломерлар – хромосомаларнинг узлуksизлигини таъминловчи қисмлар қисқаради. Эволюция босими гени муҳитга мослашишга, ўзгаришга мажбур қилади. Ирсий йўқотишлар бўлади, баъзи генлар авлодларда йўқолади, баъзилари пайдо бўлади. Шунинг учун биологик маънода ДНК абадиятга “дош бермайди” – у ўзгаради, эволюцияланади, баъзан йўқолади. Аммо... У абадийликка “талпини” Кўпайиш орқали ўзини давом эттиради. Одамзот то тирик экан, унинг ДНКси ҳам мавжуд бўлади, гарчи шакллари ўзгарса ҳам.

2. Фалсафий жиҳатдан: Инсон ДНКси вақтга ва жисмга боғлиқ. Абадийлик эса вақтдан мутлақо холи. Шунинг учун ДНК абадий эмас, лекин доимий; Руҳ абадий (дин нуқтаи назаридан); Биология инсоннинг моддий асосини беради, лекин абадий мақомни маъно, руҳ ва онг беради.

3. Маънавий жиҳатдан: Исплом таълимотиға кўра, яратилган ҳар бир жисм вақтинчалик; Инсоннинг қиммати унинг ДНКсидан эмас, руҳидан, имонидан ва амалидан келади; Куръонда инсоннинг абадийлиги гувоҳлик, нијат, ақл ва руҳ билан боғланади, моддий тузилма билан эмас. Абадийлик – биологияда эмас, маънавиятда.

– Демак, – хулосалади Юнус ака, – Одам ДНКси биологик маънода абадий эмас. У ўзгарувчан, муҳитга мослашади, мутацияланади, баъзи қисмлари йўқолади. Аммо инсон зоти бор экан, ДНК давом этади. Шакли ўзгариши мумкин, лекин умуман йўқолиб кетмайди. Инсонни абадий қиладиган нарса ДНК эмас, руҳий моҳиятидир. Қадр-қиммат ҳам шунда.

Буни қарангки, орадан 19 йил ўтиб, 2025 йил 21 ноябрь куни “Kun.uz” сайти айни фикрларга ҳамоҳанг куйидаги хабарни тарқатди:

7. ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАРДА ДУНЁДА НОМАЪЛУМ ГЕН ЎЗГАРИШЛАРИ АНИҚЛАНДИ...

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузурдаги Илғор технологиялар маркази (айни пайтда замонавий лабораториялар жамланган бу илмий муассасада биотехнология, генетика, нанотехнология ва сунъий интеллект соҳаларида илмий тадқиқотлар олиб борилади) олимлари мамлакат тарихида илк бор инсон генларини чуқур ўрганиш, яъни генларни тўлиқ ўқиш ва таҳлил қилиш тад-

қиқотини ўтказди. Натижада ўзбекистонликларда илгари дунёда номаълум бўлган ўнлаб янги ген ўзгаришлари аниқланди. Олимлар топган маълумотлар халқаро маълумотлар базаларига киритилди. Таъкидлашчи, бу Ўзбекистоннинг жаҳон геномика фанидаги ўрнини мустаҳкамлайди.

Тегишрүүлелар шуни кўрсатдики, тадқиқотда қатнашган ҳар иккинчи болада ирсий мутация бор. Яъни, касалликка мойиллик ирсий йўл билан ўтаётгани аниқланган. Энг ташвишлиси, болаларнинг 86 фоизи ҳеч бўлмаганда битта “бузилган” ген ташувчиси эканлиги маълум бўлган. Бу кўрсаткич халқаро меъёрдан икки баробар юқори ҳисобланади. Олимлар бу ҳолатни айрим ҳудудларда қариндошлар ўртасидаги никоҳлар улушининг юқорилиги билан изоҳлашмоқда. Масалан, баъзи вилоятларда бундай никоҳлар умумий никоҳларнинг чорагага ақинини ташкил этади.

Бу ҳолат келгуси авлодларда фақат ирсий касалликлар эмас, балки умумий соғлиқ ҳолатига ҳам жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Олимларнинг таъкидлашича, генетик мутациялар нафақат кам учрайдиган ирсий касалликлар, балки диабет, юрак-қон томир касалликлари, онкологик жараёнлар каби кўп тарқалган касалликларнинг ҳам ривожланиш хавфини оширади. Шу бос, бу касалликлар нафақат кўпайиб бориши, балки анча ёш авлодлар орасида ҳам намоён бўлиш эҳтимоли юқори.

Шунинг учун олимлар никоҳдан олдин жуфтликларни генетик текширувдан ўтказиш, болаларни эрта скрининг ва профилактика дастурларига жалб этиш зарурлигини таъкидламоқда. Бу орқали касалликларни илк босқичда аниқлаш ва тўғри даволаш имкони яратилади.

Тадқиқот натижасида кўплаб муҳим маълумотлар аниқланган. Текширилган беморларнинг ярмидан кўпига аниқ генетик ташхис қўйилган, бу эса ишфоркорларга тўғри даволаш усулини танлаш имконини берган. Аниқланган мутацияларнинг салкам учдан бир қисми илгари дунё илм-фанида қайд этилмаган бўлиб, улар халқаро маълумотлар базаларига киритилди. Шунингдек, баъзи болаларда бир вақтнинг ўзида бир нечта ирсий касаллик белгилари аниқланган. Бу ҳолат мамлакатдаги қариндошлик никоҳлари даражаси юқорилигини яна бир бор тасдиқлаган.

– Илк бор халқимиз генларининг ҳақиқий манзарасини кўрдик, – дейди Илғор технологиялар маркази директори, “Ўзбекистон аҳолисининг генетик харитасини яратиш ва миллий биобанкни шакллантиришга қаратилган “Ўзбекистоннинг 1000 геноми” лойиҳаси раҳбари, профессор Шахло Турдиқулова. – Агар болаларнинг кўпчилиги яширин ирсий мутацияларга эга бўлса, профилактика ва генетик маслаҳат тизимисиз бу жараённи тўхтатиб бўлмайди. Шу бос, никоҳ олдиндан жуфтликларни скринингдан ўтказиш дастурларини жорий этиш жуда муҳим.

8. ХОТИМА


ДНКнинг “иситма”си Юнус ака бир пайтлар синчковлик билан кузатган яширин симптомларни фош қилди. Бугун у киши орамизда бўлганида, замондошларидан камдада йигирма йил олдинда юрганини билган ва, ҳойнаҳой, шундай деган бўларди:

– Ўзликни англашу ишқдаю наҳот, негадир боқмайди аслига инсон. Наҳотки, ўзидан кетган одамзот Ўзига келмайди энди ҳеч қачон? Туюлар гоҳ олам сўроқ остида, маҳзунман, сукутим узоқ узундан. Энг катта сўроқ ҳам, сўроқ остида Ер бўлган нуқта ҳам менинг ўзимман.

– Йўқ, – дейман яна ўзимга ўзим. – Ҳозир кўп нарсанинг илжи бор. Наҳот – илмда.

Шухрат АЗИЗОВ

* Армагеддон – қиёмат куни.



“Бир одамнинг эмас, балки ҳамма одамларнинг фарогатини кўзлаш ҳаминша муҳим масала бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Лев ТОЛСТОЙ



МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

КИМ ЖИНОЯТЧИ?

Яқинда давлат хавфсизлик хизматлари архивда жадид ҳаракатига доир янги ҳужжатларни ўргандик. Тарихий қиймати ниҳоятда катта ушбу маълумотларни газетхонлар эътиборига ҳавола этишни лозим топдик.

Тергов ҳужжатларида икки шахс номи диққатимизни тортиди: Юнусжон ҳожи ва Нейматжон Оғалиқовлар. Уларнинг кечмиши ўша қалтис ва таҳликали палладаги қатагон сурони, талотўплар, айблову тухматлар моҳиятини очиб беришда муҳим манба сифатида намоён бўлади.

Оғалиқовларнинг инқилобгача Кўконда иқтисодий мавқеи баланд бўлган, отаси йирик қўй савдогари, хонадон нуфузи мулкдор қатламга мансуб эди.

Нейматжон Оғалиқов (1877 йили туғилган) мадраса таълими олган, дунёқарши диний ва миллий муҳитда, Туркистон мухторияти давридаги ҳаракатларда шаклланган. Юнусжон ҳожи Оғалиқов (1884 йили туғилган) эса юрт кезган, савдо билан шуғулланиб, жамоат ишларида фаол шахс бўлган.

Инқилобга қадар ҳаж ибодатини адо этиб, қатор мутараққий шаҳарларда, жумладан, Истанбулда бўлиб қайтган Юнусжон ҳожи сафар давомида турли маърифий муҳит ва ислохотларвар қарашлар билан танишади. Бу ҳолат унинг кейинги фаолиятида кузатиладиган миллий уйғониш ва жамоатчилик ҳаракатлари қизиқиши билан уйғунлик касб этади. Хусусан, "Шўро ислом", "Миллий иттиҳод" каби ташкилотларга аъзо бўлиб, Туркистон мухтор ҳукумати фаолиятида иштирок этишида малака вазифасини ўтаган. Ҳожи мухторият ҳалокатидан сўнг турли соҳаларда ишлаган бўлса-да, ҳамма жабҳада миллат равақати, юрт озодлиги унинг учун бош мақсад бўлган. Уша даврнинг тош-тарозусига кўра, бундай дунёқараш нафақат қабул қилинмас, балки мутлақо кечирилмас ҳол эди. Қаҳрамонимиз аксиллиқлобий фаолияти учун қатагоннинг илк тўлқини – 1926 йили 7 йилга Сибирга бадарга қилинган.

1932 йили Кўконга қайтган, у миллат озодлиги йўлидаги алоқаларини тиклайди. Хурриятпарвар ташкилот



раҳбари Ашуралӣ Зоҳирий, Абдулҳамид Чўлпон, Ғоzi Юнусов ҳамда "Гулистон" тахририяти котиби Соҳидов билан яқин муносабатларини қайта йўлга қўяди. Маърифий доиралар билан яқин алоқалари уни Ўзбекистон давлат наشريёти дўконига раҳбарлигида қўл келди.

1937 йил июль ойига оид кузатувлардан Юнусжон ҳожининг ўша даврдаги ҳаёти икки қутб орасида кечганига гувоҳ бўламиз. Бир томондан, у Тошкентда – олим Ғоzi Юнусовникида яшаб, Чўлпон каби зиёлилар билан юзлашиб турган, яъни маърифий муҳитдан узилмаган. Иккинчи томондан, унинг суҳбатларида кундалик ҳаёт муаммолари – нон нархининг оширилиши-туширилиши каби масалалар ҳам тилга олинади. Бу эса қаҳрамонимиз дунёқарши сиёсий доира билан чекланиб қолмасдан, ижтимоий воқеликнинг энг оддий, бироқ ўткир нуқталари билан ҳам узвий боғлангандан далолат беради.

Бу каби мулоҳазалар юрт тараққийси учун жон қойитган фидойи инсонлар билан учрашув ва давраларда тобора чархланиб борарди. Бироқ бундай суҳбатлар доим ҳам эркин, хотиржамликда кечмаган. Хусусан, 27 июль куни Ашуралӣ Зоҳирий уйда ўтган суҳбатда маърифий хизмат ҳодимининг кириб келиши

гап ўзини дарҳол бошқа мавзуга – китоблар ва маданий масалаларга буриб юборган. Илғаш қийин эмаски, бундай давраларда фикр алмашиш осон кечмаган. "Гуппинг қалин бўлса ҳам қишдан қўрқ, дўпинг қалин бўлса ҳам муштдан қўрқ", деганларидек, эҳтиёткорлик давр тақозоси бўлган.

1937 йил июль ойига оид кузатувларда Юнусжон ҳожи бозорлардаги озиқ-овқат тақчиллиги, турнақатор навбатлар ва аҳолининг оғир аҳволидан сўзланади. У гуруҳ топилмагани, мой учун соатлаб навбатда туришга тўғри келгани ҳақида гапирар экан, бу ҳол унда жиддий хавотир уйғотганини рўйроқ келтиради. Кўринадики, унинг мулоҳазаларида озиқ-овқат етишмовчилиги тартибсизлик, очлик ва беқарорликка олиб келиши мумкинлиги ҳақида ўйлар устун. Бу каби мулоҳазалар ўша даврдаги иқтисодий ва ижтимоий ҳаётга нисбатан танқидий муносабатнинг мавжудлигини англатарди.

Шу маънода, қаҳрамонимиз эсга олган мана бу лавҳа ўша давр руҳини ўзида мужассам этгандай туюлади: "Бир кун дўконимга колхозчи кирди, оқ ароқ сўради, гарчи бу эр китоб дўкони эканини кўрган эди. Мен унга ароқ борлигини айтиб, бир бутилка зуммиарабикни (табиий мумдан тайёрланган шербат)ни бердим, у 3 рубль 70 тиён тўлади

ва кетди". Бу гапдан кейин суҳбат иштирокчилари, жумладан, Ашуралӣ Зоҳирий ҳам мийғида қулиб: "Қаранг, бизнинг колхозчини қанчалик осон алдаш мумкин. Совет ҳукумати уни қандай қилиб боқишга қийналмайди", деб киноя қилади.

Бу каби ҳолатларда маиший эҳтиёжлар билан маърифий муҳит ўртасидаги чегаралар хиралашиб, одамлар онгида муайян чалқашликлар юзга келгани сезилади... Бундай зиддиятли муҳит, табиийки, Оғалиқовлар сулоласи вақиллари тақдирида чуқур из қолдирган.

Хусусан, Нейматжон Оғалиқов ҳақидаги маълумотлардан кўринадики, унинг ҳаёт йўли ҳам ўша давр сиёсий жараёнлари билан бевосита боғлиқ кечган. Савдогар оиладан чиққан, мадрасада таълим олган бу шахс илк босқичдаёқ "Шўро ислом" ва "Ғайрат" каби ташкилотларда қатнашиб, кейинчалик Туркистон мухторияти давридаги ҳаракатларда иштирок этади, ҳаёт ҳукумат таркибига кирилади. Бироқ совет ҳукумати иқтидорга келиб, ер ислоҳоти сиёсатини йўлга қўйган даврда боғ ва ерларидан маҳрум этилиши унинг ижтимоий мавқеига жиддий таъсир кўрсатади. Шу пайтдан эътиборан манбаларда унинг совет ҳукуматида нисбатан норозилик кайфияти англашилади. Кейинги тақдири айнан шу қарашларга дохил кечароқ, "Миллий иттиҳод" ташкилоти аъзоси сифатида таъқибга учрайди, ҳибсга олиниб, уч ой қамоқда сақланади.

Нейматжон Оғалиқов қамоқдан сўнг доимий таъқиб туфайли фаол сиёсий ҳаётдан четлашиб, шаҳар шифохонасида қироатчи сифатида ишлашга мажбур бўлади. Бироқ соғлиғидаги муаммолар туфайли бу иш фаолияти узоққа чўзилмайди. Аниқроғи, ногиронлик важи билан ишдан бўшатилади.

Маърифий кузатув материалларида Нейматжон Оғалиқовнинг ўзини "миллий ҳаракатчи" сифатида қандай қабул қилгани масаласига алоҳида эътибор қаратилади. У 1930

йилдан кейин бу фаолиятдан воз кечганини таъкидласа-да, амалда ўзининг аввалги айбловлардан халос бўлмаганини тан олади. Унинг ҳуқуқ ва қонун ҳақидаги мулоҳазалари эса ўша даврдаги сиёсий тизимга нисбатан ишонсизликни очиб ифода этади. "Мен байчага ҳуқуқ берувчи очиб қонунни қидирмайман, чунки унга риоя қилинмайди. Балки бошқа қонун бордир, унинг остида миллий ҳаракатчиларга қийноқ кўрсатилади ва шу қонунга мен ҳам кириб қолдим", дейди у.

Кундалик ҳаётдаги тангликлар унинг мулоҳазаларида алоҳида ўрин тутди. Бир гал кўчада таниши билан учрашиб, ўз аҳволидан норози эканини билдирар экан, аҳоли ҳар кунини нон учун навбатда туришга мажбур бўлиб, умри зое кетаётганига афсус билдиради. Айни кайфият шаҳар совети олдида Зоҳирий билан қисқа мулоқотда янада таъсирлироқ намоён бўлади. Гарчи Ашуралӣ Зоҳирийнинг "Қаерга кетаётибсиз?" – деган саволига Нейматжон Оғалиқовнинг "Нон олишга", деб жавоб бериши оддий ҳолдек туюлса-да, у бундан киноя билан тўлдирди. Олдинига: "Ҳар бир киши ўз кўз ёшларини севгилиси олдида оқизсин", дея эски қўшиқдан иқтибос келтириб, уни замон руҳига мослаб: "Ҳар бир киши ўз кўз ёшларини нон олдида оқизсин", деб давом эттиради.

Оғалиқовларни қатагонга тортган омиллар – миллий уйғониш ҳаракатларида иштирок этгани, "Шўро ислом", "Миллий иттиҳод" каби ташкилотлар билан боғлиқлиги, маърифий доиралардан узилмагани уларнинг жамиятдаги камчиликлари нисбатан очиб ёки ноияли муносабати билан ўзаро тунашиб кетган. Ана шу ҳурфикрлик кечирилмас "жиноят"га айланганлиги, оиланин икки устунини, икки таянчини жисман қулатган бўлса-да, ҳаммаша фикрида собит бўлган бу инсонлар маънан тоғлар каби мангу пойдордир.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор



Иномжон АЗИМОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

Жадидлар бошқа туркий тиллардаги каби ўзбек тилида ҳам сингармонизм қонуни борлиги, унлиларнинг йўғон-ингичкага бўлинишини эътироф этганлар. Лекин ҳар бир йўғон-ингичка унлига алоҳида шакл олинишида қийинчиликлар юзга келгани учун 6 унли билан тилдаги барча унлиларни ифодалашга ҳаракат қилганлар.

Рисолада ёт сўзлар ҳам алоҳида бўлим ажратилган. Араб ва форс тилига хос 9 та ҳарф мисоллар билан тушунтирилган. Ёт ҳарфлар масаласида ҳам жадидлар ўртасида ягона фикр йўқ эди. Ашуралӣ Зоҳирий, Мунаввар қори каби зиёлилар туркий сўзларни эшитилганча ёзиш, яъни, унлиларни ҳам ёзувда ифода этишни ёқлаган ҳолда, арабча сўзларни асл ҳолича, улар қайси ҳарфлар билан ёзилган бўлса, ўзгартмай ёзишни талаб қиларди. Фитрат, Элбек каби бир гуруҳ жадидлар бунга қарши чиқиб, ёт ҳарфлар ҳам миллий имло қодаларига бўйсунуши лозимлигини таъкидлайди: "Шунинг учун тўғридан тўғри ёт ҳарф деган шул тўққиз ҳарфларни бутунлай орадан чиқариб, қўноқларга ҳам туркча кийим кийинтиру ва оларга туркча одат (қилиқ)ларни тушунтиру керакдир. Бу чоқда бизнинг имлодаги кўп бир даражада қўлайлашқон бўлади".

Бир сўз билан айтганда, жадидлар томонидан яратилган "Битим йўллари" рисоласини ўзбек адабий тили имло қодаларини яратишдаги илк тахриб сифатида қабул қилиш мумкин.

Бу рисоладан сўнг Элбекнинг "Ёзув йўллари" асари ёзилди. 1926 йилда дастлабки имло қодалари ишлаб чиқилиб, "Маориф ва ўқитғучи" журналида эълон қилинди. Қайом Рамазон томонидан 1931 ва 1935 йилларда "Ўзбек тилининг асосий имло қодалари" рисоалари чоп этилди. Шу тариқа, ўзбек адабий тилининг имло қодалари шаклланиб борди.

АЗИЗ ХОТИРА



ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Анқабой Худойбахов – 1905 йили Самарқандда туғилган. 1916 йилда ота-онаси вафот этади. 1918 йилгача турли хўжаликларда батрақлик қилиб кун кўради. 1918 йилда Жомбойдаги болалар етимхонасига топшириб юборилади.

1920 йилдан 1922 йилгача Самарқанд маориф институтида, сўнгра Тошкентдаги Ленин номидаги коммунистик университетда ўқиди. 1924-1925 йилларда Самарқанддаги "Зарафшон" газетаси масъул муҳаррир ўринбосари бўлган. 1925–1928 йиллар давомида Москвада журналистика йўналиши бўйича таҳсил олади. Ўша пайтларда хизмат сафарига бўлган жадидлик ҳаракатининг таниқли вақиллари жамоасида бўлиб, маърифатпарварлар билан яқиндан алоқада бўлган. Москвадан қайтиб келган "Зарафшон" газетаси масъул муҳаррири вазифасида иш бошлади. 1929-1930 йилларда Республика касаба союзи органи "Ишчи" газетаси муҳаррири, 1930–1933 йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети партия наشريёти бош муҳаррири, шуниингдек, матбаачилар уюшмаси раиси сифатида фаолият юритган. 1936 йилдан Республика радио комитети раиси бўлган. 1937 йил 1 июлдан радиокомитет раислигидан озод қилинган. СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сийёр сессиясининг 1938 йил 5 октябрдаги йиғилишида Анқабой Худойбахов отувага ҳукми қилиниб, ҳукми ўша кун ижро этилган.

Алимбек Хидиров – 1904 йили Жомбой райони Татар кишлоғида туғилган. "Миллий иттиҳод" ташкилоти аъзоси бўлган. Аксиллиқлобий фаолияти учун қамоққа олинган. Ҳибсга олинган вақтда ўқитувчи бўлган. Аҳоли орасида миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, уйда аксиллиқлобий адабиётни сақлаганликда айбланган. 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 20 августдан ҳисобланган.

Усмон Ақромий – 1903 йили Наманганда туғилган. Самарқанд шаҳрида "Қизил Ўзбекистон" газетаси адабий ходими бўлган. 1929 йил 11 декабрда ОГПУ ходимлари томонидан "Миллий истиқлол"нинг Наманган филиали котиби бўлгани, янги аъзоларни ташкилотга жалб қилгани учун ҳибсга олинган. ОГПУнинг 1931 йил 25 апрелдаги қарорига кўра, РСФСР Жиноят кодексининг 58-моддаси 4-, 10-бандлари билан айбланиб, 10 йил концлагерга ҳукм этилган. 1989 йил 29 мартда реабилитация қилинган.

Мухаммад Ҳожибобо Ризаев – 1889 йили Наманган шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек. 1920 йили сентябрда Бождаги Шарқ халқлар съезидга вақил бўлиб борган. 1925 йили Совет ҳокимиятидан норози бўлганларнинг ҳисобини олиш ва уларни аксиллиқлобий ташкилотга жалб қилиш бўйича иш олиб борган. 1927 йили Тошкентга келиб Мунаввар қори Абдурашидхонов билан учрашган. 1931 йилдан 1936 йил 29 декабрда сурғунда бўлган, сурғундан қайтган, у доимий равишда советларга қарши тарғибот олиб борган. Масалан, 1937 йил бошларида "Интернационал" артелига яқин жойда туриб совет ҳукуматининг Ўзбекистонда олиб бораётган мустамлақачилик сиёсатини қоралаб чиққан. 1937 йил 30 июлда шаҳар молия бўлими инспектори билан бўлган суҳбатда совет ҳукуматини айблаган. Ҳукумат конституцияга хилоф иш тутгани, онгли равишда ақлли, саводли кишиларни Ўзбекистондан йўқ қилаётганини айтган. 1937 йил августда халқ душмани деб қораланган Файзулла Ҳўжаевнинг ишдан олинишига норозилик билдирган. 1937 йил 19 августда қамоққа олинган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги "учлиги" томонидан 1937 йил 13 ноябрда отилган. 1958 йил 31 майда реабилитация қилинган.

Азизбек МАҲКАМОВ,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори

Нигорахон АКБАРОВА,
тадқиқотчи

(Давоми келгуси сонда).

ЖАДИДШУНОСЛИК

ТИЛИМИЗНИНГ ИЛК ИМЛО ҚОИДАСИ

Жадидлар миллатнинг мавжудлигини тасдиқлайдиган бебаҳо жавоҳир она тили эканини англаган ҳолда, халқнинг миллий руҳини уйғотиш ва онгини ўстириш учун тилга алоҳида аҳамият қаратди. Улар ривожланган давлатлар каби ўз қонун-қодаларига эга адабий тил яратишни мақсад қилиб қўйди. Шу боис, барча чораларни ишга солиб, ўзбек тилининг қонун-қодаларини ишлаб чиқиш ва адабий тил сифатида мавқеини оширишга интилди. Зеро, ўтган асрнинг 20–30 йилларида халқ жонли тилининг имкониятларини рўёбга чиқариш, ўзбек адабий тили меъёрларини белгилаш гоят долзарб вазифа эди.

Маълумки, бошқа туркий халқлар каби ўлкада араб ёзуви минг йиллардан ортиқ давр мобайнида асосий ёзув сифатида қўлланиб келган. Араб тилида унлилар чўзиқ ва қисқа унлиларга бўлиниши, қисқа унлиларнинг ёзувда ифодаланмаслиги, унлиларнинг учтагина ҳарф билан ифодаланиши, қолаверса, имло қодаларининг йўқлиги жиддий муаммолардан эди, лекин бу муаммо ҳеч кимни қизиқтирмасди. Янги усулдаги мактабларнинг очилиши, улар учун дарслик ва қўлланмалар яратилиши жараёнида бу муаммоларни ҳал қилиш кун тартибига чиқди. Ашуралӣ Зоҳирий 1916 йилда нашр эттирган "Имло" дарслигида бу ҳақда шундай дейди: "Бизнинг ҳозирги (эски) имломизда қанда деган нарса асло риоя этилмаганлигидан ҳар ким ўзича қандай ёзмақни хоҳласа, ўшандай ёза берган; бу адабиётимизнинг кенгайишига сад бўлиб, ёшларимизнинг қийналишидан бошқа ажнабий миллатларнинг қошида тилимизнинг масхара қилдириб, маданий тилларга баҳо қўйганда, қиммати ҳеч бўлишига сабаб бўлди. Шунга биноан бул "Имло" рисоласини ёздим. Энг зарур қодаларни дарж этдим".

Бундай муаммоларни Элбек ҳам қайд этади: "Бизнинг бу кунгача қўлланилиб келмақда бўлган имломиз икки турли эди: бири чигатой имло ва иккинчиси эски имло. Бу имлодан эски имло атаган имломиз бурун чоқлардан бери

бир йўсунсиз, негизсиз ёзилиб келмақда бўлган бир имлодурким, бунинг билан бир нарсани очиб аниқлаш жуда қийиндир. Чунки бир сўзни бир неча турли ўқимоқ мумкин бўлганликдан киши кўб янглишади. Эски имло йўлсизлиги учун ташланмоқдин бошқа чора қолмайдур".

Бунинг учун араб ёзувини ислоҳ қилиш, унга ўзбек тилидаги барча унлиларни ифодаловчи ҳарфлар қўйиш, араб тилига хос бўлган ҳарфларни алифбодан чиқариш лозим эди. Бу машаққатли, шу билан бирга, хайрли ишни Фитрат бошчилигидаги "Чигатой гурунги" ўз зиммасига олди. Гурун аъзолари томонидан алифбога қўшимча ҳарфлар киритилади, шу ислоҳ қилинган алифбо асосида дастлабки имло қодалари ишлаб чиқилади. Ислоҳ қилинган алифбо лойиҳаси ва имло қодалари 1921 йилда Тошкентда бўлиб ўтган биринчи ўлка ўзбек тили ва имлоси курултойида Фитрат маърузасида айтиб ўтилади.

Фитрат имло ривожини учун қуйидаги таклифларни беради:

1. Эски имломиз бузуқ, қоидасиз бўлгани учун маорипимизни бу имло ва ёзу билан кенгайтмақ мумкин эмас. Маорипимизни кенгайтмақ ва саводсизликни битирмақ учун имломизни ислоҳ этмақ лозимдир.
2. Опти чўзги (унли)ли имло қабул этилсин.
3. Тилимиздаги ёт сўзлар ҳам шул олти чўзги билан ёзилсин.
4. Ҳар ҳарп (ундош) ва ҳар чўзгининг ўзига махсус шакл бўлсин.
5. Уст чўзгиларни ўрунли ёзмақ учун сўзларнинг қалинлиги, ингичкалиги эътибор этилсин. Тилимиздаги арап сўзига ҳам шул тўрт модда қўлдан келганича юритилсин.
6. Ҳарпларнинг шакли иккидан бирга тушиб, бутун сўзлар бош ҳарп билан ёзилсин.
7. Тилимизга кириб қолган ёт сўзлар туркча ҳарплар билан ёзилсин".

"Битим йўллари" рисоласи мазкур курултойда тақдим қилинган имло қодаларини ўз ичига олиб, ислоҳ қилинган алифбода ёзилган. Рисоланинг мақоми бўйича турли мулоҳазалар мавжуд. Тилшунос олима Ш.Бобомуродова уни Фитрат ва Қайом Рамазон ҳаммуаллифлигида тузилган ўзбек тили назарий масалалари ёри-

тилган энг биринчи ибтидоий қўлланма сифатида таърифлайди. Қайом Рамазон уни имло қодалари деб атайди: "Бошқа фанларни қўйиб турайлик, мактабларимизнинг жон томири бўлган "Тил қодалари" отига шу кунгача бир асар чиқмади. "Битим йўллари" билан "Ёзув йўллари" эса имлодин баҳс этар. Лекин булар ҳам дарслик бўлишдан йироқроқ бўлса ҳам (сув ўрнига таямму қабилдан) яраб турар. Бунинг билан тил қодаларини ўрганиб бўлмайди. Мактаблар учун "Сарф" ва "Наҳв" керак. "Сарф" ва "Наҳв"!

Бундай фикрларнинг айтилишига сабаб, "Битим йўллари"да ҳам имло қодалари, ҳам қўлланмага хос хусусиятлар қайд этилгандир. Китобнинг "Тил билан ёзувимизни белгилли бир йўлга қўюб..." деган сўзлар билан бошланишига кўра, у имло қодаларини англади. Буни унинг муқовасидаги "Имло" ёзуви ҳам билдириб турибди. Лекин асарни ўрганган эканмиз, унда ўзбек тилининг назарий масалалари ҳам акс этганини кўрамиз. Назарий фикрларни асарнинг барча ўринларида қайд этиш мумкин. Рисолада мавзуну мустаҳкамлаш учун савол




ва топшириқлар ҳам берилган. Фикримизча, муаллифлар уни янги усул мактаблари учун имло қодалари билан тўлдирилган қўлланма сифатида тавсия қилишни назарда тутишган.



ТАВАЛЛУД

Ўзбекистон халқ артисти, санъат арбоби, Давлат мадҳияси муаллифи, бетакрор композитор Мутал (Мутаваккил) Бурҳонов таваллудига 110 йил тўлди.



Буюк санъаткор 1916 йил 5 май кунини Бухорода, зиёли хонадонда дунёга келди. Болалиқдан амакилари – жадидлик ҳаракати вакилларининг суҳбати ҳамда поччаси Фитрат ижоди таъсирида улғайди. Туркий ва форсийда битилмиш мумтоз адабиётга меҳри бўлакча бўлиб, айниқса, Алишер Навоий ғазалларининг шайдоси эди. Саккиз ёшидаёқ танбур чертишни ўрганди, дастлаб уйда, кейин Фитрат номидаги биринчи Бухоро мусиқа билим юртида ўқиди. Ота Ғиёс Абдуғани, Ота Жалол Носиров, Абдуқодир Исмоилов, Абдураҳмон Умаров каби устозлар ёш Муталдаги ноёб қобилиятни пайқаб, у билан жиддий шуғуллана бошлади. 30-йиллар бошида Тошкентдаги Ҳамза номидаги театрда танбурчи сифатида фаолият кўрсатди.

Мутал Бурҳоновнинг созидаликдан бастакорликка ўтиш босқичи Москва консерваториясининг ўзбек студиясида, профессор С.Василенко раҳбарлигида ўқиган даврига тўғри келади. Бу орада Иккинчи Жаҳон уру-

ши бошланиб, навқирон Бурҳонов ҳам қўлига курол олиб, жангга кириди. Бироқ жанг майдонидан оғир яраланиб, юртга қайтади ва ижод қилишда давом этади. Олий ўқув юртидаги таҳсилни тиклаган вақтида Мутал Бурҳонов таниқли композитор, кўлаб машҳур кўшиқ ва романслар, саҳна асарлари кўшиқларининг муаллифи сифатида танилган. Ниҳоят, Москва консерваториясининг композиторлик дипломи 1949 йили кўлга олади.

Мутал Бурҳонов 1955–1960 йилларда Ўзбекистон композиторлар уюшмасига раҳбарлик қилган. У қаерда ўқимасин, қандай лавозимда ишласин, бир умрлик севишли машғулот, ҳаётининг мазмуни бўлган мусиқа яратишдан тўхтамади. Умрининг сўнгги йилларини она шаҳри Бухорода кечирган бастакорнинг кўпқиррали ижод намуналари орасида “Ипаклари тиллодан”, “Гўзал Фарғона”, “Хорманг қизлар” ва бошқа машҳур кўшиқлари, “Намедонам чи ном дорад”, “Келса ноғох”, “Ташлади, кетди”

каби романслари, “Абадий хотира” рекеви-ми сингари гўзал ижод намуналари ҳамон халқимизнинг қалбида сақланиб келмоқда. Шунингдек, “Алишер Навоий” драмаси, “Ойгул ва Бахтиёр” номли кўғирчоқ спектакли учун ёзган мусиқалари кўп йиллар мухлислар эътиборида бўлди.

1990 йили Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри саҳнасида композиторнинг “Алишер Навоий” операси муваффақият билан намойиш этилди. Мазкур опера, шунингдек, “Абадий хотира”, “Навоий қасидаси” рекевиелари, “Муҳаббат учун”, “Шоир орзуси”, “Сен барибир жилмаймадинг” романслари, “Ибн Сино”, “Мафтунингман” бадиий фильмларига ёзган мусиқалари миллий мусиқа меросимиздан муносиб жой олди.

“Мен бир нарсдан фахрланаман, менинг мусиқам бутун дунё бўйлаб янраганида ҳар қандай инсон ўрнидан туради. Бунинг маъноси катта, улар менинг санъатим қаршида эмас, Ватаним Ўзбекистоннинг салобат-

ли овози қаршида бош эгадилар. Давлат мадҳияси – Ватанимнинг овози...” Бу фахрга йўрилган сўзлар мустақил Ўзбекистоннинг Давлат мадҳияси муаллифи Мутал Бурҳоновга тегишли эди. Зеро, ҳеч ким Истиқлолни у каби кутмаган бўлса керак. Негаки, “катта террор” даврида Мутал Бурҳоновнинг акалари, амакилари, жианлари ҳамда поччаси Фитрат қатагон домига тортилди. Ўзи эса мудом кузатувда яшади. Ана шу омиллар сабаб ҳам оила қурмади, эрта бир кун “халқ душмани”нинг яқини сифатида ҳибс қилинса, болалари етим бўлиб қолишидан хавфсиради. Улуғ санъаткор сифатида у оиласи бошига тушган қулфатни халқи миқёсида ҳис этди, бу изтироб қалбига чуқур ўрнашиб, ижодига ҳам акс этди.

Мутал Бурҳонов мустақиллик йилларида давлатимизнинг юксак мукофотлари – “Эл-юрт ҳурмати” ҳамда “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланди.

Бутун умрини ўзбек миллий мусиқа санъати ривожига бахшида қилган, ҳаётбахш, халқона ижоди, том маънода миллий руҳда ёзилган юксак мусиқий асарлари билан ўзбек ва жаҳон мусиқа маданиятига беқиёс ҳисса қўшган халқ композитор Мутал Бурҳонов 2002 йил вафот этди.

Гулчехра УМАРОВА

ЯНГИ КИТОБЛАР

УНУТИЛМАС ДАРД

“Тарихда инсоният бошига тушган қулфатларнинг ҳисоби йўқ. Бироқ йигирманчи асрда юз берган Иккинчи жаҳон уруши ғаму қулфатларнинг энг дахшатлиси бўлди.

Минглаб қишлоқ ва шаҳарлар ер билан яқсон қилинди. Инсоният неча ўн миллионлаб қурбон берди. Тақдир тақозоси билан мен ҳам ана шу уруш қатнашчиси бўлдим. Ақл бовар қилмайдиган кўриликларга дуч келдим, мудҳиш жиноятларга гувоҳ бўлдим, ёвуз дунё билан юзлашдим. Уша қоп-қора кунлар қалбимга оғриқ бериб, хаёлимдан бирма-бир ўтаверади...”

Атоқли адиб ва адабиётшунос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби ва яна кўплаб давлат мукофотлари соҳиби, академик Матёқуб Қўшжоновнинг “Юрак дарди” номли китоби шундай сўзлар билан бошланади. Дарҳақиқат, китобга сўзбоши ёзган муаллифнинг фарзанди Қудрат Қўшжонов ҳам ушбу мавзу отаси учун жуда оғриқли бўлганини таъкидлайди.

Асардаги мана бу парча урушнинг ҳеч ким ўйламаган янги қиррасини очиб беради:

“– Умуман, ғалаба ярадорларга боғлиқ. У яна гапдан тўхтади. Нима демоқчи эканини тушулмаганимдан гапнинг давомини кутардим. У ҳамон қўлимни оддий бир буюм сингари у ёқ-бу ёққа ағдараётгандек эди...”

– Ҳар қирқ-эллик ярадорга ўн та ўлим тўғри келади. Қолганлари даволаниб, жанг майдонига қайтишади. Энди у ўқ еган аскар ҳисобланади. Ўз ишини билиб қиладиган бўлади, ўзини душман ўқидан ҳам асрай олади”.

“Жангчи дўстларимиздан бири – Володя буюм халталари ёнида тартибсиз ётган автоматлардан бирига истар-истамас қўл чўзди. Икки-уч қадам нарироқда турган иккинчи бир жангчи дўстимиз Тюриннинг сабр косаси тўлди, шекилли, тезлик билан автоматни ердан олиб кийикчага тўғрилаётган ҳам эдики, кийикча яшин тезлигидаги ҳаракат билан ўзини ён томонга отди-да, кўринмай кетди.

Тюрин Володяга қараб: – Анқов, оғзидаги ошини олдирадиган лаванги деб сендақаларни айтадилар! – деди ва болохонадор қилиб сўкина кетди. Володя қилт этмас, қарахт холда турар, Тюриннинг гап-сўзларини эшитмаётган ҳам эди.

– Отмадим, тўғри қилдим, – деди у анчадан сўнг”.

Мана, урушда қон кечиб юриб ҳам ўзлигини йўқотмаган инсон қиёфаси. У душманни ўлдиргани ҳам хоҳламаган эди, қачонки, душман ўзи қасд қилмагунча. Асарда ўқувчи қалбига таъсир қилувчи бундай ҳаётий мисоллар кўп.

Шариф Холмуродов томонидан ёзилган сўнгсўзда бир жумла бор – китоб муаллифи Матёқуб Қўшжоновга тегишли: “Урушда мер-



ганлик қилганим бекорга эмас. Мен ўзи тугма мерган бўлсам керак”. Маълум бўлишича, у болалиқдан кўзи ўткир бўлган, куппа-кундуз кўзи кўзни қамаштирадиган кўш нурлари остида осмондаги юлдузларни томоша қилиб хузуланган, қоронги тунларда ҳам атрофни худди кундуз каби раво кўриб, йўлида асло

қоқилмаган. Яна бир эътиборли жиҳат: “Ўзаро суҳбатларда ҳам, юксак минбарларда ҳам у кишининг нутқи ортиқча жарангдорликдан холи, оддий, самимий, майин, ёқимли, энг муҳими – мерганларча тўғри нишонга йўналтирилган бўларди”.

Мен бу фидойи олим билан бир марта суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлганман. Буни суҳбат ҳам деб бўлмайди. Бир кун таҳририятдаги хонамга Матёқуб домла кириб келган, кексайган чоғлари эди, озорқ ўтирган, кимнидир сўраган, сўнг деразага боқиб туриб бир гапни айтган ва хайрлашиб чиқиб кетган эди. Мен олимнинг ўша пайтда айтган ўша бир жумла гапини китобларида кўрмаганман, чамамда, фикр келгану у киши айтган-қўйган: “Деразадан узоққа қарасангиз – ойнадаги доғлар кўринмайди, ойнадаги доғларга қарасангиз – узоқни кўрмайсиз. Бадиий асар мана шу ойнадай гап. Адабиётшунос ойнадаги доғларни ҳам, ойна орқасидаги манзарани ҳам кўра билиши керак”. Шу сўзлар хотирамда қолган.

“Юрак дарди” номли ушбу роман-хотира Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида нашр этилган. Китоб номига “Буюк Ғалабага ҳисса қўшган ўзбек мергани” деган тагсарлава-ҳа илова қилинган: тўғри ва ўринли эслатма.

Икром ИСКАНДАР

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

ҒАЛАБАНИНГ “ЎГАЙ” ОТАЛАРИ

Инсон унутувчидир. Афсуски, у унутмаслик шарт бўлган нарсаларни ҳам унутиб қўяди. Аммо бутун-бутун миллатлар, халқлар унутса олам тартиботи бузиладиган, тарихий адолат оёқости бўладиган масалалар бор. Уларни ўйлаганда шоиранинг “унутганин куйсин икки дунёси” сатри хаёлга келади.

Иккинчи Жаҳон урушининг дунё халқларига, шу қатори, халқимиз бошига солган оғир мусибатлари, мислсиз қулфат ва йўқотишлари, фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон халқи қўшган муносиб ҳисса ана шундай ҳеч қачон унутилмаслиги керак бўлган мавзудир.

Жаҳон сиёсатида машҳур ибора бор: ғалабанинг минг битта отаси бор, мағлубият эса ҳаммаша етим. Минг афсуски, сўнгги йилларда Иккинчи Жаҳон урушидаги совет Иттифоқининг муваффақиятини фақат бир давлат, бир миллатга боғлаб талқин қилиш

ҳолатлари учраб турибди. Шовинистик кайфиятдаги адиблар, режиссёрлар, артистлар, журналист ва блогерлар ғалабанинг отаси ягоналигини оламга ўқитмоқчи. Бунга нечқидир сиёсий элита ҳам панжа орасидан қараб турибди.

Ажабланирлиси, бу даъвогарлар душман қочганда кўпайган ботирлардан. Фронгда жон олиб-жон берган, миллати, дини ва тилидан қатъи назар ягона мақсад йўлида бирлашганлар ўртасида бундай айирмачилик деярли кузатилмаган. Ҳатто, советлар ҳокимияти заволга юз тутганда ҳам. Энди бўлса “ўгай ота”лар ҳар йили 9 май арафасида тутқаноқ касали хуруж қилгандай ижтимоий тармоқларда провакацион чиқишларга зўр бермоқда. Улар кўп нарсани унутмоқда ёки унутгандай кўринмоқда.

Қани, ўзбек халқисиз ғалабани қандай тасаввур қилиш мумкин экан? Ўзбекистонлик аскар ва офицерлардан 214 мингга яқини жанговар орденом ва медалларни, 301 нафарни Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини, 70 нафардан

зиёди учала даражадаги “Шон-шараф” орденини сотиб олмагандир!

Аслида “пешво”лик даъвосини давом эттирмақчи бўлганлар ҳар қандай вазиятда ҳам инсоний эътиқодига содиқ қолган олижаноб ва бағрикенг халқимизнинг буюк гуманистик фазилатларига таҳсин ва тасаннолар айтиши, ўз ижодига шу нуқталарга эътибор бериши керак эмасми?

Ўзимиз-чи? Нега биз Иккинчи Жаҳон урушидаги иштирокимизни қимтиниб, тортиниб эслашимиз керак? Фахрланиш туйғусини ўзимиздан бошлашимиз керакмасми? Бежиз Ғалаба боғи қад ростладими? Бежиз Давлатимиз раҳбари уруш ва меҳнат фахрийларига мисли кўрилмаган даражада юқори эътибор қаратяптими?

Агар кимдир юқоридагиларни унутмоқчи бўлса, марҳамат, Ўзбекистондаги 60 нафар уруш ва меҳнат фахрийларининг кўзига тик қарасин...

Мансур РАҲМАТУЛЛАЕВ
Фейсбук



Зикрилла МУҲАММАД

Jadid
adabiy, ilmiy-maʼrifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

Бош муҳаррир:
Иқбол МИРЗО

Муаллиф фикри таҳририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Масъул котиб: Шухрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Муҳайё Рустамова

Адади – 18 477
Шундан:
Кирилл ёзувида – 7005
Лотин ёзувида – 11 472
Медиа кузатувчилар – 82 648
Буюртма: Г – 539
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6

Саҳифаловчилар:

Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева



Манзилмииз:

Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00
Босишга топширилди: 20:00

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz

Муассислар:



ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УОШМАСИ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ



МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
Қўллаб-қувватлаш
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ



“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИ